Переплёт 2010. I-XII. 2-55

Янги – 2010 йил қутлуғ бўлсин!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Juma, 1-yanvar, 2010-yil ● №1 (654) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ҲУҚУҚ ВА СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

Текширувлар натижаси қандай?.. Бу саволга бемалол "Аввалги йилларга қараганда – ижобий!", деб жавоб бериш мумкин. Сабаби, танқидий мақолаларнинг ҳар тўрттасидан учтаси ўз тасдиғини топмоқда. Бу ҳол сон ва сифат ўртасидаги уйғунлик ўсиб бораётганини кўрсатади.

⇨ 4-бет

ТОМОШАБИНГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Инсоният ақл-тафаккурининг кучи билан баъзан ўзи ҳам ҳайратланадиган ишларни амалга оширди. Алал-оқибат аждодларининг тушига ҳам кирмаган тўкис, фаровон ҳаёт барпо этди, бемисл қулайлик ва шароитларга эга бўлди. Аммо инсон камолотида ғоят катта ўрин тутадиган маънавият масаласида ҳам шундай дея оламизми?

⇨ 4-бет

"БЕТАКРОР РОЛЛАР ЯРАТСАМ ДЕЙМАН..."

Актёрнинг камолоти режиссура билан боғлиқ. Бироқ вақт театрда режиссёр ёки актёр устунми, деган самарасиз баҳсни инкор этади. Шунинг учун актёр аввало, руҳиятига мос образ тимсолини яратишни ўзи олдиндан билиши керак.

⇨ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Қадрли отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, азиз ўғил-қизларим, болаларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу файзли ва шукуҳли дамларда сизларни қизғин муборакбод этишдан, барчангизга самимий меҳр ва ҳурматимни билдириб, эзгу тилакларимни изҳор қилишдан бахтиёрман.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан тилайман.

Ҳурматли дўстлар!

Якунига етиб бораётган 2009 йилни кузатар эканмиз, йил мобайнида эл-юртимиз бошидан кечирган қанча-қанча синов, қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтганимизни беихтиёр эслашимиз, бир сўз билан айтганда, бу йил мамлакатимиз учун осон келмаганини таъкидлашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, аввалambor, бутун жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу хавфнинг олдини олиш биз учун йил давомида ғоят мураккаб вазифа бўлиб тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун барча мамлакатлар ва халқларнинг бошига тушган ана шу савдо, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, минглаб корхоналар касодга учраши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражасининг тобора пасайиб боришидан — бундай оғир қисматдан Ўзбекистонимизни, халқимизни сақлаб қолиш ва бу синовдан ёруғ юз билан чиқиш 2009 йилда биз учун энг асосий ва долзарб вазифага айланди.

Бизнинг бу борадаги ҳаракатларимиз юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширган ислоҳотлар ва мамлакатимизни янгилаш сиёсатининг, биз танлаган ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлининг, инқирозга қарши ўз вақтида кўрган чора-тадбирларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Бу йил об-ҳавонинг ғоят ноқулай келиб, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ойга кечикиб кетгани ва бошқа кўплаб қийинчиликлар ҳосил тақдирини хавф остига қўйиб, қишлоқ хўжалиги учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирганидан ҳам ҳаммамиз хабардормиз.

Фақат кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган деҳқон ва фермерлар, мутахассисларимизнинг меҳнат жасорати, соҳага берилаётган доимий катта эътибор ҳисобидан барча қийинчиликларни енгиб, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича белгиланган марраларга эришганимиз бу йилги энг катта ғалабаларимиз қаторига киради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтиб бораётган йилга юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берганимиз ва шу муносабат билан махсус давлат дастурини амалга оширганимиз қишлоқ ҳаётини обод этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш каби ғоят муҳим мақсадларга эришиш йўлида қўйилган салмоқли қадамлар бўлди.

Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва кўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан шу йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам кўрсатиб турибди.

Ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз, қишлоқ тараққиёти ва ободончилигига қаратилган бундай улкан харажатларимиз мамлакатимиз миқёсида, унинг турли соҳа ва тармоқларида — бу саноат ва қурилиш, транспорт ва коммуникация бўладими, таълим-тарбия, тиббиёт ва маданият соҳалари бўладими — бутун иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошираётган дастурларимизнинг узвий бир қисмидир.

Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига албатта янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг илдам ривожланиб боришини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, аввалambor, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганидадир.

Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётгани биз қўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омили ва сабаби, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб, мамлакатимиз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган демократик жамият қуриш йўлидан изчил ривожланиб бораётганини, халқимизнинг ўз танлаган йўлига, эртанги кунига, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончини яна бир бор амалда намоён этди.

Муҳтарам ватандошлар!

Кириб келаётган янги — 2010 йилга мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб ном берганимиз бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ мақсадимиз бўлмиш келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни, лўнда қилиб айтганда, тараққий топган ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига чиқиш вазифаси, табиийки, йиллар, балки ўн йилларни талаб қилади. Ва бу мақсад йўлида барчамизни белимизни қаттиқ боғлаб, қатъият ва фидойилик билан, астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Айни пайтда барчамиз яхши англаймизки, бундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун униб-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади.

Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни **жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.**

Бугун биз тузаётган ва қабул қилаётган узоқ муддатли дастурларимиз айнан мана шундай ўта муҳим ва устувор мақсад ва муддаоларимизга жавоб берган ҳолдагина биз мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, дунёда яккаю ягона бўлган Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини муносиб даражага юксалтиришга эришамиз.

Айни шу мақсадга қаратилган, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаётган, бугун амалга ошираётган улкан дастурларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларимизни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш масалалари билан бирга, энг замонавий ва кучли социал инфратузилмани барпо этиш борасида олдин бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, аҳолимизни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати доимо эътибор марказида туриши даркор.

2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортиғини айнан социал харажатлар ташкил этиши, фақатгина соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир. Биргина тиббиёт соҳаси ривожи учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп демакдир.

Айтиш мумкинки, социал соҳа ривожига бундай эътибор дунёда камдан-кам давлатлар тажрибасида учрайди.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги — 2010 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, Яратганимиз ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Эзгу умидлар ва ниятлар айёми

Болажонларнинг кўзидаги шодлик ва қувонч — юртнинг тинчлиги, элнинг хотиржамлигидан нишона. Болажон халқимизнинг барча тўй-у, томошалари, айёмлари эса ана шу шаффоф қалб эгаларининг шодон қийқириқлари билан ҳам гўзалдир. Аслида фарзанд кулгисидан кўра катта бахт йўқ дунёда. Айни кунларда мамлакатимиз пойтахтининг Мустақиллик майдонига ташриф буюрган ҳар бир кишининг кўнглидан ана шундай ўйлар кечса ажаб эмас.

Майдон марказида ўрнатилган улкан арча турли безаклар билан ясатилган. Унинг атрофида эса болажонлар учун қадрдон бўлиб қолган мультфильм қаҳрамонларининг суратлари жойлаштирилган. Уларга ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилиб турган болакайларни кўриб, беихтиёр ўша масрур дамларга қайтгандек бўласиз. Ранг-баранг аттракционлар бир-биридан қолишмай ўйнаётган ўғил-қизлар билан гавжум. Майдоннинг бошқа томонида эса катта саҳна ясалган бўлиб, давра турли ёшдаги катта-ю, кичик томошабинлар билан гавжум.

— Бу ерда ҳар куни соат 11:00 дан 12:00 гача ва 13:00 дан 14:00 гача болалар учун мўлжалланган "Янги йил саргузаштлари" номли спектакллар намойиш этилаяпти.

Бу томошаларни Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри ва пойтахтимиздаги бошқа театрларнинг ижодкорлари, қолаверса, Тошкент давлат цирки, "Булбулча" болалар ансамбли ва санъат йўналишидаги коллеж лар талабалари иштирокида саҳналаштирмоқдамиз, — дейди Мустақиллик майдонида ўтказилаётган байрам тадбирларининг бош режиссиёри Саъдулла Абдуллаев.

(Давоми 2-бетда.)

САРҲИСОБ

Ижодий фаоллик ва комиллик сари

Умр ва вақтнинг қадр-қиммати, баҳоси ва аҳамияти қилинган ишларнинг маъно-мазмуни, салмоғи ва маҳсулида намоён бўлади. Юнон файласуфи Афлотун айтган экан: "Вақт ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказади. Йилларнинг поёнсиз халқаси номни ҳам, қиёфани ҳам, феъл-атворни, ҳатто тақдирни ҳам ўзгартира олади". Чунончи Ўзбекистон истиқлолга эришган даврдан то шу кунга қадар ўтган йиллар давлат ва жамият қиёфасига, кишилар ҳаёти ва тақдирига катта таъсир ўтказиб, уни тубдан ўзгартириб юборди, халқимизга бахт-саодат ва фаровонлик келтирди, мамлакат тараққиётига кенг йўл очди.

Хусусан, тарихга кузатилган 2009 йил ҳам бундан мустасно эмас. Биз Янги йил остонасига қадам қўяётган дақиқаларда ўтган йилнинг сарҳисоби ва унинг маҳсулига назар ташлар эканмиз, мамлакат, халқ ҳаётида рўй берган нақадар катта ўзгаришларнинг маъно ва мазмунини яна ҳам теранроқ англаймиз.

Дунёда давлатлар ва халқлар турмушига катта таъсир ўтказаётган жаҳон иқтисодий инқирози ва у туфайли юзага келган мураккаб бир шароитда ҳам Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлидан оғишмай олға бормоқда, давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш, янгилаш, халқимиз турмушини яхшилаш, юртни обод этиш, фаровон ҳаёт қуриш соҳасида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда.

2009 йилнинг фазилатли томони шундаки, у миллий журналистикамиз ривожи йўлида ҳам ёрқин уфқлар очиб берди. Биз бу йилни республикамиз қалам аҳли учун ижодий фаоллик ва комиллик тимсоли бўлди, дейишга тўла асосларимиз бор. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг айни шу йилда бўлиб ўтган навбатдаги конференциясида қалам аҳлининг ижодий фаолиятидаги ана шу катта ўзгаришлар алоҳида қайд этилди. Анжуман қатнашчилари ижодий уюшманинг беш йиллик фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, журналистикамиз олдида турган муҳим ва долзарб масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Улар Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги остида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини замон талаблари асосида қайта ташкил этиш, журналистика касбининг ҳуқуқий асосларини юзага келтириш, матбуотнинг эркин ва халқчил минбарга айланишини таъминлаш, давлат ва жамият ўртасидаги холис воситачилигини йўлга қўйиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини, бу жараёнга ижодий уюшма ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидладилар.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ижодий фаоллик ва комиллик сари

(Бошланиши 1-бетда.)

2009 йилнинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларни ўтказиш жараёни журналистларимиз ва уларнинг ижоди учун катта имтиҳон ва тажриба мактаби бўлди. Сайловга дахлдорлик масъулияти журналистлардан катта билим, малака, иқтидор, тажриба ва изланишларни талаб этади.

Зеро, сайлов кампанияси, унинг ошкора ва эркин, демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилиши, сайловларнинг ҳақиқий ва адолатли деб эътироф этилиши бу жараённинг оммавий ахборот воситаларида қай даражада ёритилишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида мамлакат оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилди. Айни шу мақсадда Марказий сайлов қомиссияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ўртасида сайлов жараёнини ёритиш бўйича келишув битимлари имзоланди. Уларга кўра, оммавий ахборот воситалари сайлов билан боғлиқ барча жараёнларни, Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини сайлов қонунчилигига оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам ёритиб бордилар. Шунингдек, улар сайлов жараёнининг ошкоралиги, очиқлиги ва транспарентлиги, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолияти, сайлов билан боғлиқ асосий тадбирларнинг мазмуни ва муддатлари ҳақида материаллар билан республика аҳолисини ўз вақтида тезкор ва холис хабардор қилиб турдилар.

Давлат оммавий ахборот воситалари сиёсий партиялар кўрсатган депутатликка номзодларга чиқишлар қилиш учун тенг шароит ва имкониятлар яратди.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово", "Правда Востока", "Овози тожик", "Нурли жол" газеталарида бу мавзу атрофлича ва изчил ёритилди. "Ўзбекистон овози", "XXI аср", "Миллий тикланиш", "Адолат" партия нашрларида сиёсий партияларнинг парламент сайловидаги иштирокига доир барча масалалар ўз аксини топди.

"Ўзбекистон" телерадиоканалининг "Сайлов — демократия кўзгуси" кўрсатуви (бошловчилар — Феруза Муҳаммаджонова, Икром Чориев, Мадамин Сафаров, Дилобар Ёқубова, Гулноза Сатторова, режиссёрлар Шерзод Мирпўлатов ва Ифтихор Раҳимжонов), Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциациясига қарашли Нодавлат телекомпаниялар тармоғи (НТТ) ташкил этган "Сўз сизга" ток-шоуси (лойиҳа раҳбари — Қобилжон Аҳмедов, бошловчи — Дилфуза Эсонова, режиссёр Нозимжон Тожиев) ижодкорларининг сайлов кампаниясини ёритиш ва материалларни телетомошабинларга етказишдаги омилкорлиги ва маҳоратини алоҳида қайд этиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Муҳими — сайлов жараёнини ёритишда матбуот, радио ва телевидениеда билимдон, ижтимоий-сиёсий дунёқараши кенг, етук ва тажрибали журналистлар шаклланди ва камол топди. Умуман олганда, мамлакатимиз ҳаётидаги катта сиёсий жараён — парламент ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловларда оммавий ахборот воситаларининг журналистлари фаол, холис ва ҳаққоний фикрлари билан иштирок этиб, юксак фуқаролик позицияларини намоён этдилар.

2009 йилнинг журналистларимиз фаолиятидаги яна бир муҳим томони шундаки, бу даврда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида олиб борилган ва амалга оширилган эзгу ишлар қалам аҳлини яна ҳам янги ижодий парвозларга даъват этди. Қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш масалалари барча оммавий ахборот воситаларининг етакчи мавзуига айланди. Матбуот, радио ва телевидениеда Президентимизнинг қарори асосида қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштириш, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилди. Бу жараёнларда журналистларимиз эл-юрт манфаати йўлида жонбозлик кўрсатадиган, замон билан ҳамнафас, ҳозиржавоб ва фидойи инсонлар эканликларини яна бир бор намоён этдилар. Ана шундай ажойиб инсонлардан бири — далама-дала кезиб, заҳматкаш қишлоқ аҳлининг ўй-ниятлари, жасорати ва интилишларини завқ-шавқ билан ҳикоя қилаётган "Ўзбекистон" телерадиоканалининг журналисти Моҳиниса Камолова 2009 йил "Олтин қалам" халқаро танловида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган энг яхши материал учун" номинацияси бўйича мукофотга сазовор бўлгани барчамизга катта қувонч бағишлайди.

2009 йил сарҳисоби ҳақида гап борганда, журналистларимизнинг ижодий фаоллиги нақадар ортиб борганини алоҳида қайд этиб ўтишни ўринли деб биламан. Бу фикр, айниқса, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси тизимида фаолият юритувчи Нодавлат телекомпаниялар тармоғи (НТТ) ва ҳудудий нодавлат телерадиостанцияларда фаолият юритувчи журналистларнинг ижодига дахлдордир. Сўнгги икки йил ичида бу тизимда қалам тебратувчи ходимлар ўзларининг ҳурматга лойиқ, эътироф этилган, ўз касбининг етук мутахассиси деган мустақил қиёфага эга бўлдилар. Телетомошабинлар НТТнинг "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури (бошловчилар — Мадина Собирова, Нигора Хўжаева, Дилшод Маматурдиев, режиссёр – Аҳмаджон Иброҳимов) ҳақида анча илиқ гапларни айтишмоқда. Бу дастурнинг мухлислар эътиборини тортишининг сабаби шундаки, унда барча учун маъқул келадиган ва ёқадиган хабар ва лавҳалар танланган. Хабарлар содда, равон, тушунарли тарзда тузилади. Бирор масала ҳақида маълумот беришдан олдин унинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқа, лўнда икки оғиз фикр айтилади, сўнг хабар ёхуд ахборотнинг асосий моҳияти очиб берилади. Бошловчиларнинг талаффузи соф, самимий, ёқимли, эътиборни жалб қилади, маълумотларда олди-қочди, расмийлик, ҳамду сано жиҳатлари йўқ. Оператор тасвири, режиссура маҳорати сезилиб туради. Дастур сермазмун, деярли ҳар куни республика ҳудудларидан одамларни қизиқтирадиган масалалар ҳақида маълумотлар оласиз. Миллийлик ва самимийлик томошабинда яхши кайфият ва тассуротлар уйғотади. НТТнинг "Парламент соати", "Дийдор шарин", "Яхши кайфият", "Дилкаш лаҳзалар", "Орамиздаги одамлар" каби қатор кўрсатувлари аллақачон ўз мухлислари эътиборини қозонган. "Ёшлар студияси" кўрсатувлари эса ўзига хос қиёфага эга. Мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзган "Келажак овози" иқтидорли ёшлар фестивallари ҳақида фақат шу студия дастурлари орқали аниқ маълумот оласиз, десам муболаға бўлмайди.

Сўнгги икки йил ичида Миллий ассоциация ташаббуси билан ижтимоий теле ва радиороликлар танлови ўтказилмоқда. Мамлакат оммавий ахборот воситаларида янгилик бўлган бу жанрда яратилаётган асарлардан мақсад — соғлом турмуш тарзи, инсонпарварлик, меҳр-мурувват ғояларини тарғиб қилиш, умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг асрий анъана ва урф-одатлари, миллий меросни асраб-авайлаш, ҳозирги кунда жамият ҳаётига хавф солаётган турли иллатларга қарши кураш каби ижтимоий масалаларга эътибор қаратишдир. Миллий ассоциация Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, қатор республика ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда яқинда Бухоро шаҳрида ўтказган "Ижтимоий медиа-маҳсулотлар II Миллий фестивали"да 100 дан ортиқ муаллиф 400 га яқин ижодий ишлари билан иштирок этгани, улардан 20 киши ғолиб деб топилгани ҳамда 8 та ижодкор ҳамкор ташкилотларнинг махсус мукофотларига сазовор бўлганликлари бу соҳада фаолият олиб бораётган журналистларнинг ижодий фаоллигидан дарак беради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг сарҳисоб давридаги фаолияти юқорида қайд этилган масалалар билан чекланмайди. Биз журналистларнинг ижодий фаолияти хусусида кўпроқ тўхталдик. Булардан ташқари ижодий уюшманинг соҳани ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ролини ҳамда журналистларнинг касбий малакаси ва маҳоратини ошириш, соҳа учун билимли, кенг дунёқарашга эга бўлган етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ташкилий-оммавий тадбирлар ҳам борки, булар фаолиятимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Йил давомида Уюшма республикамиздаги турли идора ва муассасалар, фондлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда медиа-форумлар, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказди. Бу тадбирлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада яхшилашга ҳар томонлама ёрдам берувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЭКОСАН халқаро ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари бизнинг доимий ҳамкорларимиздир.

Уюшмамизнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири — журналистларга эътибор ва ғамхўрликдир. Бу масала доимо фаолиятимизнинг диққат марказида бўлиб келди. 2009 йилда Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март муносабати билан журналист аёллар учун, Хотира ва Қадрлаш куни — 9 май муносабати билан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари бўлган журналистлар учун байрам дастурхонлари ёзилди, уларга мукофотлар берилди. Касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ журналистлар тақдирландилар.

Ўзбекистонда янги демократик жамият қуришнинг асосий шартларидан бири бўлмиш бозор муносабатлари оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам таъсир этмоқда. Телетомошабин ва радиоэшитувчилар, газетхонлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан, мазмуни ва шаклига кўра, сифатли маҳсулот талаб қилмоқдалар. Бу талабни бажариш учун журналист меҳнати рағбатлантирилиши ва у ҳимояланиши керак. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бу йўналишда ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни мустақил танқидий фикрлашга ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларга йўналтириш, миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини оммалаштириш мақсадида Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунига бағишланган "Йилнинг энг фаол журналисти", Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловларини ўтказди.

Мустақиллик туфайли "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилган оммавий ахборот воситалари давр кўзгуси, уларда фаолият кўрсатаётган журналистлар эса илғор ва янгиликларга изланувчан куч сифатида жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар — жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнларидан четда туришлари мумкин эмас. Улар юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаётдаги ютуқлар, камчиликлар, муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида халқимизни ўз вақтида хабардор этиб келмоқдалар. Бу ОАВ тобора эркинлашиб, демократик характер касб этиб бораётганини кўрсатади.

Янги йил оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва журналистлар учун ижодий фаоллик ва комиллик сари интилишларида кенг имкониятлар очиши билан бирга уларда катта масъулият ҳам юклайди. 2010 йил юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди ва шу муносабат билан Давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида дастур доирасидаги асосий йўналишлар, уларни амалга оширишнинг чора-тадбирлари ва вазифалар кўрсатиб берилди. Соғлом авлодни вояга етказиш, бунинг учун замонавий тиббий хизмат учун шароит яратиш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари даражасига кўтариш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кўпроқ жалб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва мустаҳкам оила учун доимий эътибор, ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришларини улуғ ва муқаддас мақсад деб билиш — Янги йилимизнинг асосий ва устувор вазифаларидир. Булар — журналистларимиз учун муҳим ва долзарб мавзулар демакдир.

Ўйлаймизки, журналистларимиз "Баркамол авлод йили" муносабати билан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш йўлида бор куч-ғайрат, имконият, тажриба ва маҳоратларини ишга соладилар, ижодий фаоллик ва комиллик сари яна ҳам шижоат ва фидойилик билан астойдил ҳаракат қиладилар.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Демократия ва ошкоралик руҳида ўтди

2009 йилнинг 27 декабрь куни юртимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, халқаро кузатувчилар ҳамда хорижлик ва маҳаллий журналистлар иштирок этди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ сўзга чиқиб, бўлиб ўтган сайловда халқимиз ўз хоҳиш иродасини яна бир бор намойиш этганини ҳамда биронта ҳам қонунбузарлик ҳолати қайд этилмаганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, тадбир иштирокчиларига маълум қилиндики, дастлабки маълумотларга қараганда, мазкур сиёсий тадбирда 15 миллион 108 минг 950 нафар сайловчи иштирок этди. Бу сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 87,8 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, 96 та сайлов округидан депутат сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 39 та округда шу йилнинг 10 январь куни энг кўп овоз олган икки номзод ўртасида қайтадан сайлов ўтказилади.

Сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси ҳам ўтказилиб, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юртимизнинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Ижроия қўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан 15 нафар депутат сайланди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ҳамюртларимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан ташқари маҳаллий кенгашларга номзодлари кўрсатилган кишилар орасидан ҳам энг муносибларига овоз беришди.

— Сайлов куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги сайлов участкаларида бўлдик, — дейди халқаро кузатувчи, Россия Марказий сайлов комиссияси аъзоси Василий Волков. — Юртингизнинг барча ҳудудида сайловчилар учун бир хил шарт-шароитлар яратилганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Фуқаролар, айниқса, ёшларнинг сиёсий онги юқорилиги мени жуда қувонтирди. Барча сайлов округлари, участкаларида болалар ва тиббиёт ҳоналари ташкил этилгани, телекоммуникация асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши, интернет тармоғига уланган ҳамда зарурий адабиётлар, қонун тўпламлари билан таъминлангани муҳим сиёсий тадбирга жиддий тайёргарлик кўрилганидан далолат беради. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўринларидан 15 таси Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилишини жуда катта ютуқ деб ўйлайман. Бу дунёнинг ривожланган давлатларига ҳам ўрнак бўлишга шубҳам йўқ. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, юксак даражада ташкиллаштирилган сайлов қонуний, демократия ва ошкоралик руҳида ўтди.

Иноможон АБДИЕВ,
"Ниҳтіуат" мухбири.

Эзгу умидлар ва ниятлар айёми

(Бошланиши 1-бетда.)

— Бундан ташқари, ҳар куни соат 15:00 дан 17:00 гача нафақат ёш болалар, балки катталар учун ҳам эстрада хонандалари иштирокида байрам концертлари бўлиб ўтмоқда.

Дарҳақиқат, болаларининг беҳад шодлигини кўрган ота-оналарнинг ҳам қувончи чексиз.

— Фарзандларимга агар ўқув чорагини беш баҳо билан якунлашса, қишки таътилда пойтахтга олиб бориб, унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдиришга ваъда бергандим, — дейди андижонлик Маҳбуба опа Бегматова. — Бугун ана шу ваъдамни бажараяпман. Бу ерда болаларнинг маза қилиб ўйнашлари, маданий дам олишлари учун барча шароитлар яратилганини кўриб жуда қувондим.

Маҳбуба опанинг 7 ёшли фарзанди Суннатжондан шеър айтиб беришини сўрадик:

"Арча, арча, жон арча,
Япроқларинг нинача.
Чиройлисан, гўзалсан,
Атрофингда айланиб,
Қўшиқ айтади барча"...

Ҳа, болажонларнинг севимли айёми бўлган "Арча байрам"и Мустақиллик майдонида ўзгача завқ-шавқ билан давом этаётир. Бу ерга ҳар куни Тошкент шаҳри ва юртимизнинг турли гўшаларидан минглаб ҳамюртларимиз ташриф буюришмоқда. Янги йил завқини туйишмоқда. Қолаверса, мамлакатимизнинг барча шаҳар-у, туманларида ҳам байрам шодиёналари ўтказилаяпти. Қолаверса, азиз болажонларимиз учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказида ҳам баланд арчалар ўрнатилиб, Янги йил тадбирлари ташкил этилгани озод диёримиз фуқароларига, барча юртдошларимизга чексиз қувонч бахш этмоқда.

Зуҳал РЎЗИЕВА

Фахрийлар куйлаганда

Янги йил арафасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Навоий вилоятида ўтказилган "Фахрийлар куйлаганда" деб номланган адабий-мусиқий санъат байрамида ҳаваскорлик санъаткорлар ўз маҳоратини намойиш этиб, эл олқишига сазовор бўлишди. Тадбир якунида "Ўзбекистоним" қўшиғини ижро этган Уранч шаҳридаги Мадраҳим Шерозий номли 1-сон маданият уйи раҳбари Ислом Бобожонов ҳаваскорлар ҳайъати томонидан "Юқори савиядаги ижро" номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Ниҳтіуат" мухбири.

Риштон маҳсулотлари экспортга

Фарғона вилоятининг Риштон туманида фаолият юритаётган "Рус-ўзбек текс" қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш ҳажми тобора кенгайиб бормоқда. Энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхона ўтган йили ойига 280-300 тонна калава ип маҳсулотлари тайёрлаган бўлса, янги йилдан бу кўрсаткич 400 тоннагача ошади.

Корхона жамоасининг асосий таркибини ташкил қилувчи ёшларга касб-ҳунар малакаларини мунтазам ошириб бориш ва унумли меҳнат қилишлари учун зарурий қулай шарт-шароитлар яратилган. Иш жойлари озода ва баҳаво. Оқатланиш ҳамда транспорт хизматлари бепул. Иш ҳақи ҳам юқори.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора кенгайиши ҳисобига ёш ходимлар сафи кўпайиб бормоқда. Тарихдан ўрин олган ўтган йилда бу кўрсаткич деярли икки бараварга ўсиб, 500 нафар йигит-қиз корхонага қабул қилинди.

Қўшма корхонанинг юқори пахтасидан тайёрлаётган аъло сифатли калава ва маҳсулотлари асосан Россия Федерациясига экспорт қилинаётир.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Ниҳтіуат" мухбири.

Қорақўлда меҳнат ярмаркаси

Яқинда Қорақўл туман ҳокимлиги ва туман бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тадбирда 48 та ташкилот ва корхона 840 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркаси якунида вақтинча ишсиз бўлган 830 нафар ёшлар доимий ишли бўлиб, шунинг ўзидаёқ меҳнат шартномасини имзолашди.

Шавкат НОСИРОВ,
"Ниҳтіуат" мухбири.

Болалар учун совға

Андижон вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида 14 ёшгача бўлган имконияти чекланган болалар даволанишади. Яқинда даволаш масканининг руҳий касалликлар, неврология ва асаб бўлимларига Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган соғломлаштириш мажмуаси ҳадя қилинди.

Болаларнинг ақлий ва жисмоний машқларини бажаришлари учун барча қулайликларга эга бўлган, қиймати 37,5 миллион сўмлик мазкур соғломлаштириш мажмуаси "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан совға қилинди.

— Шубҳасиз соғломлаштириш комплексида ўтказиладиган машғулотлар кўнгли ўксик фарзандларимизнинг кайфияти кўтарилишига катта ёрдам беради, — дейди марказ бош шифокори Искандар Ҳамидов мамнуният билан.

Ўз мухбиримиз.

НАШР

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари"

Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуассислигида чоп этиб келинаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журналининг Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган 2009 йил, 4-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг мазкур сонидан Р.Қодировнинг "Фуқаролларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади", Ш.Аббосхўжаевнинг "Президентлик институтининг ижро этувчи ҳокимият тизимидаги мақоми", А.Ҳусейновнинг "Фуқаролик жамияти: тушунчаси ва генезиси", А.Саидовнинг "Ўзбекистон Республикаси жиноий-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши", Т.Қосимовнинг "Терроризмга қарши кураш: халқаро ҳуқуқий механизмлар", У.Қуроновнинг "Одам савдоси — ҳар биримизнинг муаммомиз" ҳамда бир қатор давлат ва жамоат намояндалари, олимларнинг Асосий Қонунимизнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашдаги аҳамиятига доир таҳлилий мақолалари ва материаллари ўрин олган. Мақолалар ва материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган.

Музаффар ОТАЖАНОВ

ДИЛДАГИ СЎЗЛАР

Омаднинг ҳам пиллапояси бор

Яна бир йилимиз тарихга айланди. Босиб ўтилган йўл адоғида ортга қараб, эришган ютуқларимизни, амалга оширолмай қолган қайсидир режаларимизни, бажарган юмушларимизни саръҳисоб қилиб, уларни олдинги йиллар билан қиёслаймиз, мушоҳада қиламиз. Газетамизнинг Янги йилдаги илк сонида сўз олган замондошларимиз кўнглида ҳам ана шундай ўй-кечинмалар, кўнгилларини тўлқинлантираётган мулоҳазалар мавжудлиги кишини қувонтиради.

1. Ўтган 2009 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди? Нималарга эришдингиз, орзу армонлар дегандай...

2. Бахт, омад, тақдир тушунчаларига муносабатингиз.

3. Янги йил остонасида сизни (юртга, халққа, ўз соҳангизга оид) нималар ўйлантираяпти?

4. Яқин келажакда дунёни қандай тасаввур этасиз?

Жамила ШЕРМУҲАМЕДОВА ,
олима, тадбиркор:

1. Ўтган йил узоқ йиллик орзуларимнинг рўёбга чиқиши учун имкон бўлди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида юқори сифатли ун ишлаб чиқарадиган тегирмон қуриб, оилавий тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтирдик. Халқаро андозаларга жавоб берадиган замонавий қўшма корхонани ташкил этиб, республикамизга инвестиция олиб кирдик. Натижада, янги иш ўринларини яратишга, бир неча оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга муваффақ бўлдик. Бу менинг кўп йиллик орзу-ниятларимдан бири эди.

Мен тадбиркор бўлишим билан бир қаторда невараларимнинг суюкли бувижониси-ман. Ўтган йилнинг сентябрида иккинчи неварамиз Эмирбек биринчи

синфга ўқишга борди. Орзуим фарзандларимиз бизнинг амалга ошираётган лойиҳа ва ишларимизни давом эттирсин.

2. Бахт — кенг қамровли фалсафий тушунча. Мен энг бахтли аёлман. Шу азиз ва муқаддас Ватанда туғилганим, илм-маърифатга эга бўлганим, оила қуриб, фарзандлар тарбиялаганим, 38 йилдан буён мен таълим бераётган даргоҳ — Ўзбекистон Миллий университетини битирган шогирдларим эришаётган ютуқларимнинг ҳамма-ҳаммаси — менинг бахтим ҳисобланади. Менга таълим берган устозларим омадли бўлишимга ҳисса қўшганлар. Тақдирни инсон ўз меҳнати, туғилган юртига бўлган муҳаббати билан яратади. Мен ана шундай тақдирга эга шарқнинг бахтли аёлиман.

3. Президентимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳаммамизнинг зиммамизга катта масъулият юклаб, янги лойиҳалар устида ишлашга ундайди. Мен кўп йиллик педагогик тажрибамга таяниб, бошланган йилда яна бир йўналиш устида иш юритишга ўзимда зарурат сезаяпман. Республикамиздаги Меҳрибонлик ҳамда Мурувват уйларига моддий-маънавий ва методик ёрдам кўрсатиш учун янги лойиҳалар устида изланяпман. Орттирган маблағимни ёш авлоднинг маънавий бойлигини юксалтиришга сарфлашдек мақсад ва режаларим бор. Чунки Юртбошимиз айтганидек: "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно, кучли ва албатта бахтли бўлишлари шарт."

4. Юртимизнинг яқин даврдаги ёрқин ва истиқболли келажагини аниқ кўра оламан. Шукрки, Ўзбекистонда ер ости ва ер усти табиий ҳамда интеллектуал бойликларимиз мавжуд. Эртамизга соғлом нигоҳ билан қараётган маърифатли ёшларимиз бор. Кучли мутахассисларимиз, шунингдек, фан, адабиёт, санъат, таълим-тарбия соҳаларида салоҳиятли олимларимиз кўп. Мен аминманки, ёшларимиз ҳам ҳар томонлама баркамол бўлишлари учун бор куч-ғайратларини сарф этадилар. Бунинг учун Ватанимизда барча имконият, шарт-шароитлар яратилган.

(Давоми 4-бетда.)

ТОМОША

МЎЪЖИЗАЛАР ОЛАМИ

— Болалар, менинг исмим жодугар. Одамларга ёмонлик қилиш жон-у, дилим. Сизларга ҳам бир ёмонлик қилайми?

Залда ўтирган болалар бирваракайига "Йў-ў-ўқ!" деб бақиришди.

— Унда бир шартим бор, — сўзида давом этди жодугар. — Бу йил Қорбобони нафақага чиқарворамиз. Қорқизни эса узоқ-узоқларга жўнатамиз. Шунда мен сизларга ёмонлик қилмайман.

Барча болалар худди жодугар улардан Қорбобо ва

Қорқизни тортиб олмоқчи бўлаётгандай бор овозлари билан норозилик билдириб, чувуллашди...

Саҳнада Қорқиз. У ёш томошабинлардан Янги йилда Қорбободан қандай совға кутишаётганини сўради. Ёнимда ўтирган жажжигина қизалоқ "шоколад об кесин" деб юборди. 10-12 ёшлар атрофидаги болаларнинг кўпчилиги эса компьютер сўрашди.

Бу — Республика ёш томошабинлар театрида намойиш этилаётган "Янги йил томошаси"дан лавҳа эди.

Ҳақиқатан ҳам, Янги йил мўъжизалар байрами. Бу кунда ёш-у, қари — барчамиз энг эзгу орзуларимизнинг рўёбини тилаймиз. Айниқса, болажонлар учун "Арча байрам"нинг алоҳида гашти бор.

— Йил — умрнинг бир қисми. Шундай экан, ҳар бир йилни мазмунли ўтказиш умрнинг мароқли ўтаётганидан далолатдир, — дейди Республика ёш томошабинлар театрининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Салимов. — Қирқ йилдан бери театрда фаолият юритаётган бўлсам, шундан ўн етти йили шу даргоҳда ўтди. 2009 йилда ҳам биз ўз олдимизга қўйган бир қанча ижодий мақсадларимизга эришдик, десам хато бўлмас. Жумладан, юртимиздаги энг чекка ҳудудларга сафарлар уюштириб, у ердаги ёш авлод учун мазмунан бой саҳна асарларини намойиш этдик. Ўшанда уларнинг кўзларидаги ишонч ва ҳайратни кўриб, қилаётган меҳнатларимиз беиз кетмаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Бизнинг Ватанимиз бутун дунё бўйича ёш авлод тарбиясига жуда катта эътибор бераётган давлатлардан биридир. Театримиз эса фарзандларимизнинг эзгу ғоялар таъсирида улғайиб, комил инсон бўлиб етиши йўлида хизмат қилмоқда.

Биз Янги йил байрамида театр репертуаридан жой олган спектакллар билан қизиқиб, устоз ижодкорлардан бири Фарида Умаровага мурожаат қилдик:

— Ўқувчиларнинг қишки таътили давомида ҳар куни соат 10:00 ва 12:00да "Қор маликаси", "Кичкина деманг бизни", "Зумрад ва Қиммат" каби спектакллар ўзбек ва рус тилларида намойиш этилмоқда. Фарзандларининг эртасига эътиборли бўлган ота-оналардан уларни етаклаб, бизнинг томошаларга олиб келишларини илтимос қилардик. Чунки бу спектакллар болажонларимизга олам-олам завқ-шавқ улашиши баробарида уларнинг маънавий оламини ҳам ривожлантиради, — дейди Фарида опа.

— Мен Янги йилнинг сеҳрли байрам эканига ишонаман, — дейди театрнинг ёш актёри Йўлдош Эрматов. — Актёр юрак-юрагидан ишониб ижро этган ролга эса томошабин ҳам амин бўлади. Ўз ижодий фаолиятим давомида бирор марта спектаклларимиздан кўнгли тўлмай, маънавий озуқа олмай залдан чиқиб кетган болаларни кўрмадим. Айниқса, 2009 йил 28 декабрда премьераси бўлиб ўтган, болаларга мўлжалланган янги спектакль — "Кичкина деманг бизни" ёш томошабинларимизга жуда маъқул келди.

Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она "Арча байрам"ини ўзгача ҳаяжонлар билан кутиб олувчи фарзандларига энг яхши совғаларни ҳадя этишни ният қилади. Бизнингча, болажонларнинг қалбига йўл топиб, уларга чексиз шодлик ва эзгуликни улашувчи спектакллар ҳам ажойиб совға бўла олади.

Сиғора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.



Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Қорақалпоғистон гидрогеология мелиоратив экспедицияси жамоаси

азиз ватандошларимизни Янги йил байрами билан чин дилдан муборакбод этади ва барчага соғлиқ, омад тилайди. 2010 йил — Баркамол авлод йили ҳар биримиз учун қутлуғ қадамларга бой бўлсин!



2010

Бойсун туман Агросаноат касб-ҳунар коллежи жамоаси

юртдошларимизни Янги йил билан муборакбод этиб, 2010 йилнинг янада файзли-баракали бўлишини, баркамол авлоднинг равнақ топишида ўзига хос из қолдиришини тилайди.



O'ZSANOATQURILISHBANK

БАРЧА МИЖОЗЛАРИНИ, АКЦИЯДОРЛАРИНИ, ҲАМКОРЛАРИНИ ВА ЖАМИКИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ Янги йил байрами билан табриклайди!

Янги йил Сизларга бахт-иқбол, хонадонингизга файз-барака, юртимизга хотиржамлик ва фаровонлик олиб келишини тилаб қоламиз

ҳамда қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

"Истиклол-1"	30% йиллик	3ой сақлаш муддати	Миллий валютада
"Манфаат-1"	30% йиллик	7ой сақлаш муддати	Миллий валютада
"Тошкент 2200"	30% йиллик	4ой сақлаш муддати	Миллий валютада
"Тараққиёт-5"	30% йиллик	5йил сақлаш муддати	Миллий валютада





Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ТАҲЛИЛ

Республика Бош прокуратураси Матбуот хизмати раҳбарининг "Муаммолар, танқид ва муносабат" сарлавҳали мақоласида ("Даракчи", 2009 йил, 52-сон) ўтган йил давомида марказий матбуот нашрларида чоп этилган танқидий материаллар холисона таҳлил этилган.

Ушбу мақолани муаллифнинг розилиги билан қуйидаги сарлавҳада эълон қилдик.

ҲУҚУҚ ВА СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

Ўтган йилда прокуратура органлари томонидан марказий матбуотда чоп этилган 87 та танқидий мақолада қаламга олинган ҳолатлар бўйича текширув-суриштирув ишлари ўтказилди. Танқидий чиқишлар сони-ю, сифати, шунингдек, натижаси қандай? Ҳуқуқ ва сўз масъулияти ўртасидаги тафовут-чи?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси Светлана ОРТИҚОВА *шу мавзуда сўз юритади.*

— Бош прокуратура раҳбарияти оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга ҳайрихоҳ экани ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Зеро, муҳтарам журналистлар прокуратура органлари томонидан бевосита қонун бузилиши ҳолатлари қаламга олинган танқидий мақолаларга ўз вақтида жавоб берилаётганини кўриб-билиб турибдилар. Прокуратура органларининг энг бирламчи вазифаси қонунлар ижроси устидан назорат қилиш экан, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да!..

2009 йилда прокуратура органлари томонидан марказий нашрларда чоп этилган 87 та танқидий чиқишлар юзасидан тегишли текширув ишлари ташкил этилди.

Танқидлар сони камми ёки кўпми?

Бу — журналистларга тааллуқли савол, танқиднинг оз-кўплиги хусусида мулоҳаза юритиш бизнинг ваколатимизга кирмайди. Бизнинг вазифамиз ўша танқидларда баён этилган ҳолатларни чуқур ва холис ўрганиш, агар унда қонунбузилишлар аниқланса, уларни бартараф этиш бўйича ваколат доирамизда таъсир чоралари қўллашдир.

Текширувлар натижаси қандай?.. Бу саволга бемалол "Аввалги йилларга қараганда — ижобий!", деб жавоб бериш мумкин. Сабаби, танқидий мақолаларнинг ҳар тўрттасидан учтаси ўз тасдиғини топмоқда. Бу ҳол сон ва сифат ўртасидаги уйғунлик ўсиб бораётганини кўрсатади. Аниқ рақамлар билан айтсак, 87 та танқидий мақолаларда баён этилган ҳолатлар юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 92 та прокурор таъсир чоралари қўлланилди. Яъни, ноқонуний суд ҳужжатларига нисбатан 8 та протест, қонунбузилиш ҳолатларга олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф этишларини сўраб мансабдор шахслар номига 17 та тақдимнома киритилди, 19 та огоҳнома эълон қилинди, шунингдек, 34 нафар шахс интизомий, 5 нафари маъмурий, яна шунчаси моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди.

Юқоридаги рақамлар ўқувчида яна бир савол пайдо қилиши мумкин: танқидлар сонига нисбатан кўрилган чоралар миқдори кўп эмасми?.. Сиртдан қаралганда шундай. Аммо битта танқидий мақолада баён этилган масалада бир эмас, бир неча қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқландики, қўлланилган прокурор таъсир чораларининг сони мақолаларга нисбатан кўпдай кўринганининг боиси шунда. Масалан, "Ишонч" газетасининг 16 апрель сонида чоп этилган "Пенсия таъминотидаги узилишлар" мақоласини олайлик. Унда Жиззах вилоятининг айрим туманларида пенсия таъминотидаги узилишлар, хизмат кўрсатувчи банк муассасалари томонидан йўл қўйилаётган айрим камчиликлар қаламга олинганди. Биргина шу мақола юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида мутасаддилар номига 4 та тақдимнома, 12 та огоҳнома, ўттизга яқин шахс маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилди, битта жиноят иши қўзғатилди!.. Шу газетада чиққан яна бир мақола — "Ким зарарга ишлайди?"да (14.04.2009й.) баён этилган ҳолатлар ҳам тўла ўз тасдиғини топдики, натижада бир эмас, иккита эмас, тўққизта прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Кези келганда айтиш керакки, "Ишонч" газетасида чиқаётган танқидий материалларнинг сифати ҳақли эътирофга лойиқдир. "Буйруғинг қани?" (20.01.2009й.), "Ўттиз икки тадбиркор ва..." (17.01.2009й.), "Қурилишдаги қинғирликлар" (27.01.2009й.), "Додхоҳ белин дол этган надир?" (22.10. 2009й.) каби чиқишларни худди шундай мақолалар сирасига киритиш мумкин.

"Hurriyat" газетасида чоп этилаётган қатор танқидларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. "Бошлиқ айтаверади, аммо маблағ йўқ" (09.07.2009й), "Таҳририят нега кўчада қолди?" (14.01.2009й.), "Аросатда қолган қурилиш" (21.01.2009й.), "Суд қарори қачон ижро этилади?" (28.01.2009й.), "Қарорини ўзи бажармаган раҳбар" (11.03.2009й.), "Кўприкдаги томоша..." (13.05.2009й.), "Мулк суд хатловига асосан сотилганди, аммо..." (29.04.2009й.) каби мақолалар аниқ далил ва асосли мулоҳазаларга бойлиги учун якунда ушбу чиқишлар юзасидан тақдимнома, огоҳномалардан ташқари Олий суд ва Олий хўжалик судлари Раёсатига протест келтириш даражасида прокурор таъсир чоралари қўлланилди. Битта ҳолатда жиноят иши қўзғатилди ҳатто!.. Бироқ "Бир қилмишга икки жазо ёки "откат" порами?" (07.01.2009й), "Солиқчи нега" "айбдор"га айланди?" (12.08. 2009й.) сарлавҳали танқидий мақолалар бўйича бундай илиқ фикр билдириб бўлмайди...

Бошқа нашрларга қараганда "XXI ASR" газетаси деярли ҳар сонида битта танқид чоп этиши билан ажралиб туради. Шунингдек, энг кўп тасдиғини топмаган танқидий чиқишлар ҳам шу газета ҳиссасига тўғри келади. "Мактаб дўконида... ароқ сотиладими?" (23.04.2009й), "Кўқонда дув-дув гап..." (23.04.2009й.), "Ажаб савдолар..." (21.052009й.), "Қарор қатъий: камомад ошкор этилмаслиги шарт!" (16.07.2009й), "Сичқон сиғмас инига..." (29.10.2009й.) сингари долзарб мавзуларда, асосли ва анчайин холис танқидлар чоп этилган мазкур нашрда "Карвонсаройнинг эгаси ким?" (208.08.2009й), "Чинорда хато қилган ким? (16.07.2009й)," "Яшасин ҳокимнинг ошна-оғайнигарчилиги!" (30.04.2009й) сарлавҳали бироз ҳиссиётларга берилган, бир томонлама, фақат шикоятчининг дард-ҳасратлари йиғиндисидан иборат мақолалар ҳам чиқаётганидан таассуф билдириш мумкин, холос... Айниқса, "Карвонсарой" эгаси ким?" мақоласида кўтарилган мулкий низо ўрганилгач, рости, ҳафсаламиз пир бўлди: ушбу танқидда тилга олинган Андижондаги Бобур номли дам олиш ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамда фуқаро Б.Тоҳиров ўртасидаги низо аллақачон прокуратура органлари, шунингдек, суд томонидан кўрилиб, масалага қонуний нуқта қўйиб бўлинган эди. Шунга қарамай газета мухбирлари буни матбуотга олиб чиқдилар... Матбуот — фикр айтиш минбари, унда ҳамма ўз фикрини айтиш имкониятига эга эканини тўғри тушунамиз. Бироқ ўша ҳуқуқдан тўғри мақсадда фойдаланиш, бунда ўз журналист мажбуриятини ҳам унутмаслиги лозим-да. Акс ҳолда, ҳуқуқ ва мажбурият ўртасидаги мувозанат бузилиб, алал-оқибат холисликка путур етади. Афсуски, "Карвонсарой" эгаси ким?" мақоласида айни шу ҳолат кузатилди...

"Инсон ва қонун"да чоп этилган "Сансалорлик" (05.05.2009й.), "Ким кимдан қарз?" (13.01.2009й), "Кўзбўямачилик" (03.02.2009й.), "Гокайгача оворагарчилик давом этади?" (26.05.2009й.), "Поезддаги ғавғо" (23.06.2009й.), "Копток бўлган муаммо" (04.08.2009й.), "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним..." (29.09.2009й.) ва бошқа танқидий чиқишлар ҳам эътиборли мақолалар сирасига киради. Бироқ "Сарсон бўлди..." (11.08.2009й.), "Одамлар нима дейди?" (31.03.2009й.), "Лафсизлик" мақолаларида тилга олинган масалалар умумий гаплар соясида қолиб кетган, бу муаллифлар томонидан воқелик анчайин юзаки ўрганилганини кўрсатадики, хоҳлайсизми-йўқми бу даражадаги танқиднинг "қуввати" ҳам шунга яраша бўлади... Ушбу газетанинг эътирофга лойиқ тажрибаси шуки, бирмунча мураккаб бўлган шикоят ёки мурожаатлар, журналист ваколат доирасига кирмайдиган хатларни тегишли идораларга юбориш, олинган жавобларга эса мунтазам газета саҳифасидан жой ажратилади. Бу ҳол бир томондан газетага қилинган ҳар бир мурожаат беэътибор қолдирилмаслигини кўрсатса, иккинчи томондан маълум маънода қонунчилик тарғиботини амалга оширади. Масалан, газетанинг 2 июль сонидаги "Хат ортида инсон бор" сарлавҳали мақола прокуратура органлари томонидан ўрганилиб, қонуний тушунтиришлар берилди. Бундан, газетага мурожаат этган фуқаро ҳам, таҳририят ҳам ютди: зеро, қонунни, унда кафолатланган ҳуқуқини билган одам ўзи дуч келган муаммога қандай ечим топишни яхши билади. Натижада ортиқча сансалорликка ўрин қолмайди.

Мулоҳазаларимиз бир нечта газетада чоп этилган танқидлар атрофида кечаётганига ўқувчилар ҳайрон бўлаётган бўлса, эҳтимол, нима, бошқа нашрларда танқид чиқмаганми, деб. Бошқа газеталарда ҳам танқидий чиқишлар йўқ эмас. Аммо "Ишонч", "Hurriyat", "Инсон ва қонун", "XXI ASR" газеталарига қараганда анча оз. Мисол учун йил давомида "Моҳият" газетасида учта, "Ўзбекистон овози", "Жамият" газеталарида иккита, "Маҳалла"да битта, "Новости Узбекистана"да учта, "Даракчи" ва "Муштум"да бешта ва ундан ортиқ танқидий мақолалар чоп этилган. Ушбу нашрлар эълон қилган танқидларда кўпроқ суд ҳужжатлари ижросига боғлиқ муаммоларга тўхталган: "Суд қарори ижро этиладими?" ("Маҳалла" 26.11.2009й.), "Ижро нега чўзилмоқда?" ("Моҳият" 27.11. 2009й.), "Суд қарори қачон ижро этилади?" ("Hurriyat".28.01.2009й.) каби чиқишларда қаламга олинган муаммолар сарлавҳасиданоқ маълум. Бу борада прокуратура органлари томонидан тегишли чоралар кўрилиши натижасида суд ҳужжатлари ижро этилганини таъкидлашимиз мумкин. Шунингдек, "Ҳаводан ясалган ҳалво" ("Муштум". 8.10.2009й.), "Муддат ўтгани баҳонами?" ("Моҳият" 19.10.2009й.), "Гладко было на бумаге" ("Правда Востока". 11.02.2009й.) мақолаларидаги ҳолатлар текширувларда ўз тасдиғини топди.

Тасдиғини топмаган танқидларга келсак... бу ҳақда юқорида қисман тўхталиб ўтдик. Бизнингча, шуниси етар. Бу борада тафсилотларга батафсил тўхталишдан кўра, "тасдиғини топган танқидлар бўйича қўлланилган чоралар маълум, тасдиғини топмаганлар хусусидачи?", деган савол атрофида фикр юритишимиз маъқулдай.

Шартли равишда "тасдиғини топмаган" дейилаётган материалларда асосан фуқаролик, жиноят ёки хўжалик судларидан кўрилган муайян ишлар қаламга олинади. Бу мазмундаги чиқишларда муаллифлар ўз нуқтаи назарини шахсий мулоҳаза тарзида ўртага ташлайдики, унга қўшилиш ҳам мумкин, қўшилмаслик ҳам... Илло, шахсий фикрга нисбатан, унга эътироз бўлиш-бўлмасликдан қатъи назар, чора кўрилмайди. Бу — журналистнинг хос ҳуқуқи. Гап ўша ҳуқуқни билиш, ундан тўғри фойдаланиш баробарида зиммасидаги мажбуриятни ҳам унутмаслик да! Мажбурият деганда, аввало, холислик, инсон шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, тарқатаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ҳиссини теран англашни тушуниш лозим.

(Бошланиши 2-бетда.)

Томошабинга ёруғ юз билан

Олим ТОШБОЕВ, "O`zbekiston" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

1. 2009 йилни фақат миннатдорлик ҳисси билан хотирлайдиган бўлдик. У барча соҳаларда салмоқли муваффақиятларга эришилган йил сифатида якунланди. Айниқса, мен фаолият юритадиган жамоа ҳаётида эсда қоларли воқеалар кўп бўлди. Телерадиоканалнинг Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти томонидан тайёрлаб, эфирга узатилган "Адашганлар қисмати" туркум кўрсатувлари халқаро "Олтин қалам" IV миллий мукофотининг гран-присини қўлга киритишга муваффақ бўлгани ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонига сазовор бўлдим. Конституциямизнинг 17 йиллик байрами арафасида ушбу унвонни шахсан Юртбошимиз қўлларидан олишга муваффақ бўлганим ҳаётимдаги унутилмас воқеага айланди. Буни нафақат менга, балки аҳил жамоамизга бўлган эътибор, айни пайтда юксак масъулият деб биламан.

2. Бахт, омад, тақдир... Булар қайсидир маънода бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини тўлдирадиган тушунчалар. Бахт, менинг назаримда ўта нисбий тушунча. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бир шеърида омад ҳақида гапириб, тирикликнинг, яшамоқнинг ўзи энг катта бахт эканини айтган эди. Менимча, бахт ҳам, омад ҳам аввало ер устидагиларнинг сафида эканимизда. Тақдир эса инсоният пайдо бўлганидан буён "бошни қотирадиган" муаммо. Тақдирнинг борлиги-ю, унинг Яратган томонидан битилишига ишонаман, албатта. Аммо буни

"олма пиш, оғзимга т
деб осмонга терму
ётиш қабилида анг
жоиз эмас. Шун
бўлганида, дунёга кел
кетишнинг маъниси
маган бўлур эди. Так
— ҳар бир одамга ин
этилган ақл билан қи
надиган ҳаракат, он
фаолият. Унинг инсон
шонасига битилиши
унда танлаш имкония
ни чекламайди.

3. Истиқлолнинг
кунлариданоқ телера
соҳасининг ижодий, т
ник имкониятларини к
гайтириш мақсади
катта ишлар ама
оширилди. Замонав
техник воситалар кел
риб ўрнатилди, мутах
сислар малакасини о
риш доимий дикқ
эътиборимизда. Ме
ўйлантирадиган мас
шундаки, биз ижодк
лар бу технологияла
нинг имкониятлари
тўла фойдалана олаёт
нимизча йўқ. Назари
да, ижодий салоҳия
мизни техниканинг и
юнияти билан уйғ
лаштиришимиз кер
Бугун бу сингари ах
ишлаб чиқаришни
барча жабҳаларига
аллуқлидир. Чунки
зир замонавий техн
логиялар билан жиҳ
ланмаган, модерни

ция қилинмаган бирор соҳани топиш мушкул. Тайёрланадиган маҳсулотларимиз (жумладан, ижод ҳам) илғор технологияларимиз билан уйғунликда яратилсагина, рақобатбардошлиги ортади, харидори кўпаяди. Бу айниқса, ахборот соҳасида жуда муҳим омил.

4. Инсоният ақл-тафаккурининг кучи билан баъзан ўзи ҳам ҳайратланадиган ишларни амалга оширди. Алал-оқибат аждодларининг тушига ҳам кирмаган тўкис, фаровон ҳаёт барпо этди, бемисл қулайлик ва шароитларга эга бўлди. Аммо инсон камолотида ғоят катта ўрин тутадиган маънавият масаласида ҳам ана шундай дея оламизми? Бу саволга жавоб беришда ўйланишимиз табиий, албатта.

Менинг назаримда бу масала бугун дунёнинг энг ўткир, долзарб масаласи. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "...инсон ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат" бўлмоғи кераклиги, бу икки тушунча бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қаноти экани ниҳоятда ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

«XXI аср Ўзбекистон асри бўлади!»

Юлдуз САИДОВА, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси:

1. Аслида ортда қолаётган ҳар бир йилни инсон ўзлигини англаш сари қўйилган бир қадам деб ҳисоблаш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, ўтган йил менинг ҳаётимда катта ҳарфлар билан битилди. Эзгулик сари пок ниятлар билан қадам қўйган инсон учун имкониятлар эшиги очилаверишига мен шу йилда амин бўлдим. Ҳар доимгидек бу йилда ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар фаровонлигини таъминлашда аёлларнинг ролини мустаҳкамлаш борасида қатор тадқиқотларни амалга оширишга эришдим. Бу соҳада грант лойиҳаларни қўлга киритдим. Энг қувонарлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси бўлдим.

Менимча, ҳар бир инсонда ушалмаган орзу-армонлар бўлади. Лекин уларни ушалмаганга чиқариш менинг табиатимга иддет туюлади. Чунки ниятларимнинг барига аста-секин албатта, рўёбга чиқишига ишонаман.

2. Мутахассислиг
бўйича ҳам шифок
ҳам амалиётчи психол
бўлганим учун ба
омад, тақдир тушунчал
рига эътибор бил
қарайман. Бу тушунчал
инсон ҳаётида алоҳи
аҳамиятга эга. Улар
ҳар ким ҳар хил тушун
ди. Мен учун энг кат
бахт она бўлиб яралгани
деб ҳисоблайман. П
кўнгилдаги мақсад ҳаё
га тўғри йўналтирилс
ҳар қандай иш албатт
муваффақиятли ҳал бўла
ди. Инсон тақдирида эз
гуликнинг, савобли иш
ларнинг ўрни беқиёслиг
учун маънавий жиҳатда
юксак инсон ҳам ўз так
дирини ўзгартира олади
деб ўйлайман.

3. Бошқаларни билма
дим-у, бизнинг оиламиз
да ҳар йили Янги йил
шукуҳи Конституция бай
рамидан бошланади
Ўтган йил телевизордан
Конституция байрамига
бағишланган махсус
кўрсатув ва концертни
томоша қилар эканман,
Президентимиз 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилганида, мен қарсак чалиб юборганимни сезмай қолдим. Чунки баркамол авлод тарбияси — кўнглим тўридаги гап. Мен фаолиятимда қишлоқ жойларида мактабгача тарбия муассасаларининг ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратаяпман. Демак, Янги йилда режаларимни амалга оширишда мен учун ҳам барча имкониятлар эшиги очилади.

4. Балки гапларим баъзиларга баландпарвоз туюлар, аммо XXI аср Ўзбекистон асри бўлади, деган фикрга мен астойдил ишонаман. Президентимиз раҳбарлигида босиб ўтилган барақкиёт йўлимиз, барча соҳаларда эришаётган муваффақиятларимиз бунга исбот бўла олади.

"Hurriyat" мухбири Жамолакат НОРМУРОДОВА ёзиб олди.

Қорақалпоғистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси

Янги — 2010 йил "Баркамол авлод йили" билан барча ватандошларимизни самимий табриклайди.

Барчага бахт-саодат ва яхши кайфият, мустаҳкам соғлиқ, Яратгандан Янги йил кунидан-кун эзгу муваффақиятлар йили бўлишини тилайди.

ДАРАКЛАР

Ўн йилликнинг ўн йирик кашфиёти

«Дискавери» илмий-оммабоп журнали кейинги ўн йилнинг энг йирик ўнта кашфиёти рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхатда биринчи ўрин музларнинг эриётганини исботлаган кашфиётга берилган. Таҳририят ходимларининг фикрича, музликларнинг эриши туфайли сайёрамизнинг сув тагида қолиши инсоният олдидаги энг глобал муаммо бўлиб турибди.

Рўйхатдаги иккинчи ўрин «Инсон гени» кашфиётига берилган. Бу кашфиёт туфайли ДНКни бутунлай аниқлаш имкони яратилди.

«Феникс» зонди 2008 йилнинг 26 май куни Марснинг тупроқ намуналарини ерга олиб тушди. Олимлар бу тупроқ таркибини ўрганиб, H_2O борлигини аниқлашди ва шундай хулосага келишди: Марс тупроғи таркибидан сув олиш мумкин. Ушбу кашфиёт учинчи ўринга лойиқ кўрилди. Қолган ўринлар ҳам инсоният манфаатига хизмат қиладиган шундай йирик кашфиётларга берилди.

Актёр ҳовлисини сотди

АҚШлик актриса Женнифер Лопес ва унинг турмуш ўртоғи Марк Энтони Янги йил арафасида Калифорниядаги ҳовлисини сотишди. Multiple Listing Service ахборот хизмати маълумотларига кўра, ҳовли 2008 йили 8,5 миллион долларга баҳоланган эди. Лекин у 7,5 миллион долларга сотилган. Ҳовлининг нархи нима учун арзонлашгани, уни ким харид қилгани ҳозирча маълум эмас.



Эру хотин 1941 йилда француз услубида қурилган ушбу ҳовлини 2005 йилда 6,25 миллион долларга харид қилишганди. Уйнинг умумий майдони 683,4 квадрат метрни ташкил этади.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида оммавий ахборот воситалари Лопес ва Энтони Майами шаҳри яқинидан янги ҳовли сотиб олгани ҳақида хабар тарқатганди. Бу жой бекорга танланмаган. Марк Энтони Miami Dolphins футбол клубининг акциясини сотиб олди ва жамоасига яқинроқ бўлишни истаб қолди. Лопеслар оиласининг Нью-Йорк ва Лос-Анжелесда ҳам уйлари бор.

Кема озод этилди

2009 йилнинг октябрида сомалилик қароқчилар томонидан қўлга олинган Хитойнинг De Xin Hai кемаси озод этилди. Бу ҳақда Хитой ташқи ишлар вазирлиги баёнотига асосланиб, «Reuters» хабар тарқатди. De Xin Hai ҳозир ватанига қайтиб келаяпти. Кеманинг барча экипаж аъзолари соғ-саломат.

Хабарда айтилишича, кемани озод қилиш учун Хитой томони 4 миллион доллар гаров пули тўлаган. Бу пул вертолётдан кемага ташлангандан сўнг қароқчилар De Xin Haини тарк этишган. Хитой ташқи ишлар вазирлиги баёнотида гаровга олинганлар учун пул тўлангани ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Qingdao Ocean Shipping компаниясига қарашли De Xin Hai кемаси Жанубий Африка Республикасидан Ҳиндистоннинг Мундра портига кўмир олиб келаётганда қароқчилар томонидан гаровга олинган эди.

Робот-колибра тақдимоти

Япониянинг Чиба университети олимлари колибра қуши роботини яратишди. У ташқи кўриниши ва катталиги жиҳатдан ҳақиқий колибрадан мутлақо фарқ қилмайди. Оғирлиги эса 2,6 граммни ташкил этади. Робот-колибра бир сонияда 30 марта қанот қоқиб жуда тезликда ҳаракат қила олади. Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, роботни яратиш олимларга 2,1 миллион долларга тушди.

Куни кеча робот-колибранинг тақдимоти бўлиб ўтди. У ҳавода худди колибра қуши каби парвоз қилди. Олимлар энди унга видеокамера ўрнатишни режалаштиришмоқда. Шунда робот-колибра ёрдамида турли табиий офатлар пайтида вайроналар остида қолган одамларни топиш мумкин бўлади.

БАА АЭС қурмоқчи

Жанубий Кореянинг энергетика консорцуми 2020 йилгача Бирлашган Араб Амирликларида умумий қуввати 1400 мегаваттни ташкил этувчи тўртта АЭС қуради. Бу ҳақдаги шартнома кеча икки давлат вакиллари томонидан имзоланди. Шартнома баҳоси 75 миллион дирхам (20,4 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этади.

Хитойда нашр этиладиган «Жэньминь жибао» газетасининг хабар беришича, ушбу келишув Жанубий Корея энергетикларининг этом энергияси соҳасидаги энг йирик шартномаси ҳисобланади. Шартномага биноан биринчи АЭС 2017 йилда ишга тушиши керак.

Муҳожирлар кўпаймоқда

Deutsche Welle хабарига қараганда, Германияда қочқин мақомини олишга талабгорлар сони кўпайиб бормоқда. 2009 йилнинг январидан ноябригача 25429 нафар муҳожир Германия ҳукуматидан сиёсий бошпана сўради. 2008 йил давомида 22085 киши шундай ариза билан мурожаат қилган эди. Сиёсий бошпана сўраганларнинг кўпчилиги Туркия, Ироқ ва Афғонистон фуқароларидир.

2002 йилда Германия қочқин мақоми бериш тартибини мураккаблаштирган, натижада муҳожирлар сони бироз камайганди. Аммо иқтисодий инқироз бошлангач, улар сони яна кўпайди. Мамлакат ИИВ ҳисоб-китобларига қараганда, жорий йилда қочқинлар сони яна 10-15 фоизга кўпайиши мумкин.

Евростат маълумотларига кўра, ўтган йили ЕИ мамлакатлари ҳукуматлари томонидан 281,1 мингта сиёсий бошпана сўралган ариза кўриб чиқилган. Уларнинг 76 мингтаси қаноатлантирилган.

Бюджетдаги камомад

Япония бош вазири Юкио Хатояма 2010 йилги мамлакат бюджетини эълон қилди. Жорий йилда бюджетнинг харажат қисми рекорд суммани — 92,3 триллион иен (триллион доллар)дан кўпрокни, бюджетдаги камомад эса ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 10 фоизини ташкил этади. 2009 йилда ҳам Кунчиқар юрт бюджетидаги камомад шунча миқдорга тенг эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган йилда мамлакатда саноат ишлаб чиқариши 6 фоизга қисқарди. Бу ривожланган мамлакатлар ичида энг ёмон кўрсаткичдир. Япониянинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 200 фоизини ташкил этмоқда. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволни бошидан кечираётган бўлса-да, бош вазир янги йилда аҳвол ўнгланишига умид билдирди.

Гаров эвазига озод бўлди

Бундан бир неча кун олдин қамоққа олинган америкалик киноактёр Чарли Шин 8500 доллар гаров пули эвазига озодликка чиқарилди. У нима учун ҳибсга олингани расман айтилмаган бўлса-да, AFP мухбири актёр хотинига зўравонлик қилгани учун суд олдида жавоб бериши тўғрисида хабар тарқатди.



44 ёшли Шин яшайдиган уйга “Тез ёрдам” машинаси келган, лекин ҳеч кимни олиб кетмаган. Шунга қараганда, у хотинига жиддий жароҳат етказмаган. Шундай бўлса-да, унга нисбатан жисмоний зўравонлик, жароҳат етказиш айблари қўйилган.

Ҳақиқий исми-шарифи Карлос Ирвин Эстевес бўлган актёр 2008 йилда актриса Денгис Ричардс билан ажрашгандан сўнг Брук Мюллерга уйланган ва жорий йилнинг март ойида улар эгизак фарзанд кўришганди. Шин илгари ҳам икки марта қамалган.

Иссиқ туфайли

Ўтган ҳафта Ёқутистонга гастролга бораётганда йўлда ўлиб қолган саккизта йўлбарс ва битта арслоннинг ўлими сабаблари аниқланди. Росқишлоқназорат ходимининг айтишича, ҳайвонлар иссиқдан ҳалок бўлган. Ҳисоботда қайд этилишича, уларни Нерюнгри шаҳрида иситиладиган трайлерга ортишган. Трайлер ичидаги об-ҳаво 40 даражадан юқори бўлган. Машинада бўлган Ҳимолай айиғи тирик қолган, лекин унинг аҳволи ҳам оғир.

Хабарларда айтилишича, ҳайвонларни кузатиб борган "Орзу" цирки ходимидан шаҳардан чиқмаслик тўғрисида тилхат олинган. Аввалроқ РИА Новости мухбири кузатувчилар ва ҳайдовчилар бутун йўл давомида маст бўлишгани ҳақида хабар тарқатган эди.

ҚИЗИҚ

БАЙРАМ ҚАЕРДА ҚАНДАЙ КУТИЛАДИ?

Янги йилнинг кутиб олиниши турли халқларда турлича одатлар ва иримлар билан боғлиқ.

Италияликлар Янги йил байрамида эски дазмол ва стулларни, умуман, эскирган уй-рўзғор буюмларини деразаларидан улоқтиришади.

Жанубий Африка Республикаси аҳолисида эса бу одат ҳаддан ошиб кетади: улар майда шишадан тортиб катта ҳажмдаги мебелларгача — ҳар хил нарсаларни деразаларидан отишади. Пойтахт Йоханнесбургнинг Хилброу даҳаси байрам ўтгунича транспортлар учун ёпиб қўйилади, шунингдек, йўловчиларнинг ҳам эҳтиёт бўлишларига тўғри келади.

Шотландияда Янги йил байрамини «Хогмани» деб аташади. Тунда одамлар кўчаларда қувноқ қўшиқлар айтиб юриш билан бирга, қорамой тўла бочкани ёқиб, айлантириб чиқишади. Шу йўл билан эски йилни гўё ёндириб юборишади. Шотландларнинг фикрича, Янги йилда уйга биринчи бўлиб кириб келган киши йил давомида уларга омад ёки аксинча омадсизлик келтирармиш. Байрамда меҳмонга келган киши ёнида бир бўлак кўмир олиб келиб, каминга ташлаши керак.

Кубаликлар Янги йил арафасида уйдаги барча идишларни сувга тўлдириб қўйиб, ярим тунда уларни деразадан сепишни бошлашади. Улар соат 12 га бонг урганида 12 дона узум еийлса, йил давомида ҳаётлари яхши бўлишига ишонишади.

Японияда болалар Янги йилни янги либосларда кутиб олишади. Янги йил кириб келиши билан 12 марта эмас, балки 108 марта қўнғироқ чалинади. Янги йилнинг биринчи сониясиданоқ кулиш керак, шунда йил омадли келади, дейишади японлар.

Грецияда эса Янги йилда бировникига бораётган киши ўзи билан катта тош олиб бориши керак. Меҳмон уни мезбоннинг уйи остонасига ташларкан, «Хўжайиннинг бойлиги шу тош қадар оғир бўлсин», дейди. Агар катта тош топилмаса, кичкина тош олиб бориб ташлашади ва: «Хўжайиннинг ташвиши шу тошчалик кичик бўлсин», дейишади.

Мўғулларда Янги йил дастурхонига қўй гўштидан таомлар пишириб қўйилади. Чучвара тайёрланади. Уларнинг эътиқодларига кўра, ким кўп овқат еса, ўша узоқ умр кўради. Янги туғилган чақалоқлар ёши йил бошидан ҳисобланади.

Эронда ҳар бир оилада дастурхонга номи «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил таом қўйилади. Суданда эса бир-бирларига ёнғоқ ҳадя этишади. Бу бахт-омад йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин, деган маънони англатади. Гвинеяда Янги йилнинг биринчи куни фил етаклаб юришади. Чунки бу давлатда филларга саломатлик ва тинчлик рамзи сифатида қарашади.

Венгерлар Янги йил дастурхонига парранда гўштидан таомлар тортишмайди. Сабаби, бундай егуликлар йил давомида келадиган баракани учириб юборади деб ҳисоблашади.

Непалда Янги йилни қуёш чиқиши билан кутиб олишади. Тунда кишилар катта гулханлар ёқиб, унга кераксиз эски буюмларни ташлашади. Эртасига тонгда Бўёқлар байрами бошланади — кишилар юзлари, кўкраклари ва қўлларини турли рангларга бўяб кўчага чиқишади, қўшиқ айтиб рақсга тушишади.

Вьетнамда Янги йил байрами «Тет», деб аталади ва у ой календари бўйича 21 январь ва 19 февраль ўрталарида нишонланади. Байрам тимсоли — гуллаётган шафтоли новдаси ҳар бир уйда бўлиши шарт. Қачонлардир вьетнамликлар худо карп балиғининг елкасида сузиб юради деб ишонишган. Шу сабабли ҳозирда ҳам айримлар тирик карп сотиб олишади-да, Янги йил байрамида уни дарёга ёки ҳовузга қўйиб юборишади.

Панамаликлар эса бу куни имкон қадар баланд овозда шовқин солишади...

Ҳа, шундай қилиб Янги йил айёми деярлик бутун ер куррасида нишонланади. Тўғри, турли халқлар уни турлича кутиб олишади. Аммо... дунёнинг ҳамма жойида ҳам у янги орзу умидлар, эзгу ниятлар ила қарши олинади.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади.

Янги йил «бош оғриқлари»

Сайёрамизга Янги йил кириб келди. Ер юзидаги барча одамлар бу байрамни шоду хуррамлик, яхши кайфият билан кутиб олишни истайди. Лекин ҳамиша ҳам бунга эришиш қийин. Бу борада тадқиқотлар олиб борган олимларнинг таъкидлашича, айримлар учун Янги йил байрами кўпроқ асабийлик ва ташвиш олиб келар экан. Шуни ҳам айтиш керакки, бунга ўша кишиларнинг ўзлари сабабчи бўлишади. Масалан, олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, аёллар ноябрь ойидаёқ Янги йил оқшомига қандай кийим кийиш ҳақида ўйлай бошлашади ва бу аёллар учун ҳақиқий бош оғриғига айланади.



Буюк британиялик аёлларнинг 58 фоизи октябрь ойидаёқ байрамгача озиш учун парҳез таом истеъмол қилишни бошлар экан. Аммо Янги йилгача уларнинг айримларигина кўзлаган мақсадига эришар, кўпчилиги ўз вазнича қолар, баъзилари эса аксинча семириб кетаркан. Бу эса байрамни кўнгилдагидек ўтказишга халақит бериши тайин.

Аёлларнинг кўпчилиги уйига келган меҳмонлар бир-бири билан тил топиша олмайди деб, баъзилари эса дастурхондаги нознеъматлар меҳмонларга маъқул бўлмайди, деб хавотирланар экан. Шунинг учун марказий Европадаги аёлларнинг ярмидан кўпи Янги йилда меҳмон кутишдан олдин руҳшунос билан мулоқот қилиш ва ундан маслаҳат сўрашни хоҳлайди. Бу ҳам ўзига хос бир бир ташвиш, албатта.

Байрамларни совғаларсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, Янги йилда кўпчилик бир-бирига турли совғалар ҳадя қилади. Олимларнинг таъкидлашича, бу масалада ҳам ўзига хос қийинчилик пайдо бўлар экан. Аввало, совға танлаш жуда қийин иш. Шунингдек, олинган совға берилган одамга маъқул келадими деган хавотир, дўконларда навбатнинг кўплиги ва совғалар баҳосининг байрам арафасида ошиб кетиши ҳам кўпчиликнинг асабини бузиб, байрамни кўнгилдагидек кутиб олишига халақит берар экан. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юз минглаб одамлар совға олишни сўнгги кунларга қолдиради ва навбатда туриб куни ўтганидан ачиниб юради.

Одамларни Янги йил арафасида қийнайдиган яна бир омил иш билан боғлиқ ташвишлардир. Кўпчилик Янги йилни барча ишларини битириб кутиб олишни истайди — кимдир ҳисобот ёзади, яна кимдир қарзларини тўлайди, айримлар эса уй-жой, коммунал хизматлар ҳисоб-китобини қилади. Гарчи улар бу ишни ўз хоҳиши билан бажарса-да, байрам арафасида ҳам чарчаб, ҳам асабийлашар экан. Психологларнинг таъкидлашича, йилнинг энг оғир куни Янги йил байрамидан сўнгги биринчи иш куни ҳисобланаркан.

Британиялик ҳуқуқшуносларнинг айтишича, эса, Янги йилнинг биринчи ҳафтасида мамлакатда ажралишлар сони бошқа пайтга қараганда бир ярим баравар ошади. Уларнинг учтадан бири нима учун ажрашаётгани сабабини тўлиқ айта олмайди. Лекин кўпчилиги бундай қарорга келишига байрам сабабчи эканини таъкидлашади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, байрам кунлари кўпчилик эр-хотинлар ўтаётган йил давомида узоқ вақт бирга бўлишади ва бир-бирини кўпроқ синашга вақт топишар экан.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Янги йил байрами арафасида айримлар ташвишли кунларни бошидан кечирар экан. Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак? Норвегиялик олимлар бу саволга қуйидагича жавоб беришади:

Ташвишлардан озод бўлиш учун Янги йил кунлари маданий тадбирларда фаол иштирок этинг. Зеро, байрам кунлари кўпгина шаҳарларда кўргазмалар очилади, концертлар ва спектакллар, цирк томошалари бўлиб ўтади. Ҳатто расм чизиш билан шуғулланиш ёки мусиқа чалишни машқ қилиш ҳам мумкин. Бундан ташқари, тез кунларда баҳор келишини, кўкламда далаларга чиқишни орзу қилиш ҳам фойда беради. Шунда Янги йилдек ажойиб байрамни хуш кайфиятда ўтказасиз.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚУТЛОВ

Фарғона вилоят ҳокимлиги
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси аҳли

жондан азиз юртимизнинг бунёдкор халқини эзгу орзу-умидлар тимсоли сифатида ташриф буюрган Янги йил билан самимий табриклаб, юртдошларимиз чеҳрасидан мунавварлик ҳеч қачон аримаслигини, эртамиз эгалари — ёшларни буюк келажагимизга муносиб авлод қилиб камол топтиришда ҳамкасбларимизга куч-қувват ва улкан омад тилайди.

Moody's
Investors Service

2009 йил декабрь ойида
«Ипотека–Банк»
акциядорлик тижорат ипотека банкига
«Moody's Investors Service»
халқаро рейтинг компанияси томонидан
банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли
депозитларига **B1** халқаро рейтинг
даражаси тасдиқланди.
Чет эл валютасидаги узоқ муддатли
депозитлар бўйича рейтинг даражаси
B3 дан **B2** га кўтарилди.
Барча рейтинглар бўйича прогноз
«Барқарор» деб белгиланди.

IPOTEKA BANK

Ипотека–Банкка берилган
ЎзР МБ нинг 74–сонли лицензияси

ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги барча деҳқон ва фермерларни, агросаноат мажмуи ходимларини, юртимиз аҳолисини Янги — 2010 йил билан самимий муборакбод этади.

Ҳаммага сиҳат-саломатлик, соғлик-омонлик, янги йилда барча эзгу ниятлари рўёбга чиқишини тилайди.

Юртимиз деҳқонларига эртапишар ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ғўза навларининг сифатли уруғларини етказиб бериб, Ватанимиз пахта хирмонининг юксалишига ўз улушимизни қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Янги йил айёмингиз муборак бўлсин, азиз ҳамюртлар!



МАЪНАВИЯТ



Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор.
Ислом КАРИМОВ

ГУРУНГ

АСАКАДАГИ ДИЛЛАШУВ

Ёзнинг дастлабки кунлари эди. Эрта тонгда телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан ўта ҳаяжонли овоз эшитилди:

— Ассалому алайкум, Тўланбой ака! Мен Асакадан қўнғироқ қилаяпман. Қаҳҳоров домламан.

— Ия, Абдуманноп, сизмисиз?..

— Ака, Ортиқхўжадан дод! — У шундай дедию хахолаб кулди. — Аммо-лекин жуда маза қилдим-да, ака, — дея яна қўшиб қўйди.

Мен ҳайрон бўлдим. Гап нимада эканини тез пайқай олмадим.

— Нима гап, тинчликми? — дея олдим, холос.

— Тинчлик, ака, тинчлик. Кеча “Муштум”да “Ортиқхўжадан дод”ни ўқиб, маза қилдим.

Гап нимада эканини тушунгандек бўлдим. Бир вақтлар устоз Саид Аҳмад билан ҳажвчилик хусусида суҳбатлашгандик. Ўшанда оқизмай-томизмай бу суҳбатни магнит тасмасига ёзиб олгандим.

Аслида ўша куни устознинг Уста Ширин кўчасидаги уйига радионинг “Табассум” эшиттиришига материал тайёрлаш учун боргандим. Мақсад, устоздан янги ҳажвиями, интермедиями ундириш эди. Устозга мақсадимни айтдим.

— Йўқ, мен энди “Табассум”га ҳеч нарса ёзмайман, — деди у киши дабдурустдан жиддий оҳангда.

Устознинг гапидан ҳайрон бўлдим. Ҳазиллашаётгандир, деб тушундимда, ҳазиломуз оҳангда дедим:

— Нима, “Табассум” арпангизни хом ўрдими?

— Яқинда “Табассум”ларингда Ортиқхўжа ҳақидаги ҳажвиямни берганмидиларинг?

— Ҳа, берганмиз. Кўпчилик тингловчилар хурсанд бўлишди.

— Бу ёғи ҳам қойил бўлди! — деди устоз қовоғини уйиб.

— Нега? — шошиб сўрадим мен.

— Ўшандан бери тинчлик йўқ!..

Кейин билсам, “Табассум”да Саид Аҳмаднинг бу ҳажвиясини эшитган турли касбдаги Ортиқхўжалар ҳажвияда мени ёзибди, деб ҳар бири унга даъво қилган ёки қўнғироқ қилиб, буюк адибимизни тинчитишмаётган экан...

Яқинда мен устозни эслаб, ўша тарихий суҳбатни “Муштум” журналига ёзиб берган эдим. Назаримда, Қаҳҳоров домла “Муштум”да устоз Саид Аҳмад билан бўлган ана шу тарихий суҳбатни — “Ортиқхўжалардан дод!”ни ўқиганга ўхшайди.

Қаҳҳоров домла дегани ким ўзи?, — деб ўйлаётгандирсиз. Қаҳҳоров домла асли асакалик, менинг мактабдошим. Жуда одамохун, шинаванда инсон. Кулгини, ҳазил-мутойибани севади. Шу боис бўлса керак, ҳамиша хушфеъл, хушчақчақ одамларни излаб юради.

Абдуманноп Қаҳҳоров болаликдан бадиий асарларни кўп ўқирди. Мактаб кутубхонасига қониқмай, биргаликда шаҳар кутубхонасига ҳам аъзо бўлгандик. Бир-биримиз билан китоб алмашардик. Ҳозиргача унинг адабиётга ихлоси сўнмаган. Кўп китоб ўқийди. “Халқ сўзи”, “Муштум”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Hurriyat”, “Маърифат” каби вақтли нашрларга обуна бўлган. Газета-журналларни қўлдан қўймайди. Чойхонага чиққанда ҳам қўлтиғидан китоб тушмайди.

Қаҳҳоров домла деса Асакада ҳамма танийди. У узоқ йиллар давомида ўзи ўқиган мактабда рус тили фанидан дарс берган. Гарчи рус тили ўқитувчиси бўлса ҳам, ўзбек адабиётини жону дилидан севади.

Ҳозир нафақада. Ўғил-қизлардан тинган. Қизи Нигора шифокор. Бир ўғли ҳайдовчи, яна бир ўғли тадбиркор. Фарзандлари ҳам ота изидан борган, рус тилини яхши билишади. Улар отаси доим такрор айтиб юрадиган “Тил билган — дил билади”, деган нақлга астойдил амал қилишади. Бир-биридан шириншакар набиралари эса бобосининг атрофида парвона.

Мен яқинда Асакага — туғилиб ўсган қишлоғимга боргандим. Акамни зиёрат қилдим. Жиянимнинг тўйини ўтказдик. Тўйга Қаҳҳоров домла ҳам келди. Тўй тугагач, хайрлашар эканмиз, Қаҳҳоров домла қўлимни маҳкам сиқиб:

— Ака, суҳбатингизга тўймадик, эрта бир гурунглашсак, — деди ва ёнида турган Маҳмуд Ҳайдарга қаради. — Сиз нима дейсиз, шоир?

— Яхши таклиф, — Маҳмуд Ҳайдар унинг гапини қувватлади.

(Маҳмуд Ҳайдар “Асака ҳаёти” газетасининг бош муҳаррири, шоирликка ҳам озгина даъвоси бор).

Эртасига айтилган вақтда учовлон “Чўнтак”да учрашдик. (Асакадаги катта чойхона шу ном билан машҳур).

— Яқинда Омон Мухторнинг “Одамлар кулишлари керак” китобини ўқиб чиқдим, — ҳаяжонланиб гап бошлади бошидан андижонча чуқур дўпписини ёнига олиб қўяркан Қаҳҳоров домла. — Ҳа, одамлар дам-бадам кулиб туришлари керак. Тўғри ёзибди. Тўланбой ака, сиз ҳам бу китобни ўқигандирсиз?

— Ҳа, ўқиганман, китоб менга ҳам ёққан. Бу китоб ҳақида матбуот орқали ўз фикримни билдирганман.

— Омон Мухтор яхши ёзувчи, — гапини давом эттирди суҳбатдошим, — кўп асарларини ўқиганман. Айниқса, Навоий ҳақида ёзган анави китоби борку, нимайди?

— “Навоий ва рассом Абдулхайр”.

— Ҳа, ҳа. Ихчам-ихчам иккита роман эди, а? Шундайми? — берган саволимга жавоб ҳам кутмай, яна давом эттирди Қаҳҳоров домла. — Навоий бобомиз ҳақида янги-янги маълумотларга эга бўлдик. Ўқиб бир маза қилдимки. Беназир инсон ҳақида беназир асар!

— Ҳа, фикрингизга қўшиламан. Омон Мухторнинг бу романига Давлат мукофотининг берилиши ҳам бежиз эмас-да.

Суҳбат яна адабиёт, матбуот мавзусига кўчди. Ҳозирда хусусий нашрларда босилиб чиқаётган олди-қочди ҳикоялар, мунгли хаёлларга чорлайдиган, тушкунликка туширадиган мистик қиссалар, шов-шувли, ёлғон миш-мишларга асосланган саргузашт “асар”лар кўпайиб, урчиб бораётгани ҳақида ҳам куюнчаклик билан гаплашдик.

— Маҳмуджон, “Асака ҳаёти”ни ҳам ўқиб бораяпмиз, — деди Қаҳҳоров домла муҳаррирга юзланиб. — Газетангизда ахборотлар, реклама-эълонлар берилиб тургани яхши. Лекин бадиий асарларга ҳам ўрин ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Яқинда “Асака ҳаёти” газетаси ташкил бўлганига 80 йил тўлади. Шу муносабат билан янги-янги рукнлар, дам олиш саҳифалари очмоқчимиз. Маслаҳатларингизни инобатга оламиз. Ўзингиз ҳам қатнашиб туринг, домла, — деди муҳаррир Маҳмуд Ҳайдар.

“Чўнтак”да бир пиёла чой баҳона бўлиб ўтган бу суҳбат менга кўп маънавий озуқа берди. “Одамлар китоб ўқимай қўйди. Китоб ёзиш беҳуда!” деган гаплар беҳудалигига амин бўлдим. Китобсевар халқимиз борлигидан фахрлансак арзийди. Яхши китобхон кўп, яхши китоблар ҳам! Айниқса, халқимиз орасида Қаҳҳоров домла сингари кулгисевар, маърифатпарвар кишиларимиз борлигидан фахрланиб кетдим.

Тўлан ТАБАССУМ

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банки (ОАЖ) жамоаси халқимизни Янги — 2010 йил билан қутлайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат:
“Янги йил — 2010”.

Хорижий валютадаги омонатлар:

1. “Стабильный” Еврода.
Сақланиш муддати – 3 ой,
омонат бўйича йиллик 8 % ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

2. “Универсал” АҚШ долларида.
Сақланиш муддати – 6 ой,
омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

“Асака” банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— **Солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
— **Маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
— **Эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
— **Миқдори чекланмаган!**

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун “Асака” банки (ОАЖ) филиалларининг телефонлари: (8.371)120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

МАДАНИЯТ

УЧРАШУВ

“БЕТАКРОР РОЛЛАР ЯРАТСАМ АЙМАН...”

Яхши бадиий асарни саҳналаштириш ёки экранлаштиришга қизиқиш катта бўлади. Ўзбек адабиётида «Шум бола» ана шундай асарлар жумласидандир. Бу фильмнинг суратга олинганига қарийб, 35 йилдан ошган бўлса-да, ҳозиргача экрандан тушмайди. Чунончи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Абдуваҳобов ижросида Шум бола образидаги ишонтирувчи жозиба, табиийлик, оддийлик, аммо ана шу образга хос ва мос ташқи қиёфа, мутаносиблик — барчаси томошабинни мафтун этиб келмоқда. Шунданми, бу роль киномухлисларнинг дилига яқин образлардан бирига айланди.

«Учрашув» саҳифамизнинг бугунги меҳмони истеъдодли санъаткор Ўзбек Миллий академик драма театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим АБДУВАҲОБОВ *яна бир бор сизу бизга қадрдон бўлиб қолган ана шу фильмнинг ютуқлари, ижодий режалари ва киносанъатимизга доир саволларимизга жавоб беради.*

– Аввало, Абдураим Абдуваҳобов деганда кўз ўнгимизда «Шум бола» гавдаланади. Бу ролни сиз анча ёш пайтингизда ижро этгансиз. Шум боланинг юморга йўғрилган, аммо бошидан кечирган тақдирнинг оғир синовларини шу ёшингизда қалбга сингдириш осон кечмагандир?

— Менинг болалигим Тошкент шаҳрининг «Гуруч арик» маҳалласида ўтган. Кўҳна Шошнинг қишлоққа туташ ариқлар, анҳор бўйларида тебранган мажнунтолларнинг сеҳрли саси ёш қалбимни мафтун этди. Айниқса, байраму сайлларда янграган мунис яллалар, онам айтиб берган эртаклару достонлар хотирамдан чуқур ўрин олганди. Болаликда бўлиб ўтган воқеалар тушда кўргандай гира-шира эсда сақланади. Аммо кўрган фильмларим қаҳрамонларига тақлид қилиб, санъатга ошуфта дўстларим — Мирзоҳид, Тоҳир билан ўйнаганларим, тол навдасидан найза ясаб, камон тортганларим, доим ёнимда олиб юрадиган қилич ва қалқонларим сира унутилмайди. Бу менинг кинога талпинишим эди.

1973 йиллар пойтахтимиздаги «Ёшлар уйи»даги драма тўгарагига қатнашиб юрган кезларим, матбуотдан «Шум бола» асари суратга олинаётгани ва бош қаҳрамон ролини ўйнаш учун 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида танлов эълон қилинганини ўқиб қолдим. Ёшлигимда бу асарни ўзгача меҳр билан ўқиганим учунми, Шум бола қадрдон дўстимдай бўлиб қолганди. Шу боис, мен ҳам «Ўзбекфильм» студиясига йўл олдим. Бу ерга келсам, ўнлаб болаларнинг ҳаммаси Шум болани ўйнашга иштиёқи баланд эди. Режиссёрлар тенгдошларим қатори мени ҳам имтиҳондан ўтказишди. Синов жараёнида дастлаб Саидкарим Саидолимовни Шум бола, мени Омон ролига танлаб олишганди. Аммо синов давомида мен Шум болани, Саидкарим эса Омон ролини қайта-қайта ўйнадик. Алал-оқибат бош ролга мени танлаб олишди. Ўшанда 13 яшар бола эдим. Ушбу фильмда иштирок этган актёрлар орасида энг ёши мен бўлганлигим боис, фильм режиссёри ролга масъулиятли ёндошсин, дея етарли имконият яратиб берди.

Шу боис, бу ролнинг олдинги талқинини кўриб, асар сценарийсини қайта-қайта ўқиб, вазифамга киришганман. Ўйинқароқ бола бўлсамда, Шум бола характеридаги шўхлик ва қувликни қалбимга сингдириш осон бўлмади. Сабаби, мен билан қаҳрамоним яшаган давр ер билан осмонча фарқ қиларди. Кино оламига ёш кириб келганим боис, бой отанинг «Иннакейин-чи?..» деб ёғдирган саволлари, «Ўғирланган қўйнинг пули қаерда?» деб атрофимда йиғилган катта санъаткорларнинг салобати мени довдиратиб қўйганди. Ўшанда хаёлимда кинодаги барча воқеалар ўз ҳаётимда юз бераётгандай туюлганди.

«Шум бола» фильми нима учун муваффақиятли чиқди, бош ролни мен ижро этганим учунми? Асло ундай эмас. Бунинг сири — фильмда иштирок этган ҳар бир актёр ўз ролини қиёмига етказиб ўйнаганларида, деб биламан. Мен ҳам ҳар бир образга ижодкорона ёндошиб, унинг ички қиёфасини очиб беришни ана шу устоз санъаткорлардан ўргандим. Фильмнинг муваффақияти ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин ёзувчи асарни бошдан мукаммал ёзган. Ўз замонасини маҳорат билан очиб берган. Ундаги ҳар бир сўз нимагадир хизмат қилади. Масалан, асардаги «иннакейин-чи...» деган сўзни тушириб қолдирсангиз мазмун бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетади. Бу ролни ижро этганимдан кейин киношунослар, томошабинлар ижобий фикр-мулоҳазаларини билдирганда унча англамагандим. Мана, орадан йиллар ўтди. Энди бола эмасман. Қолаверса, бу орада «Шум бола»дан завқланиб қанчадан-қанча авлодлар улғайди. Бу фильмни гоҳо экранда кўриб қолсам, қалбимда ажиб туйғулар уйғонади. Халқимизнинг севимли қаҳрамони Шум болани ўйнаш менга насиб этганидан Яратганга беҳисоб шукрона айтаман.

— Бу образнинг кейинги ижодий фаолиятингизга таъсири ҳақида нималар дея оласиз?

— Ёшлигимдан кинони жон-дилимдан севардим. «Шум бола» фильмида ўйнамаганимда ҳам барибир санъаткор бўлардим, деб ўйлайман. Аммо бу роль кино, саҳна оламига киришимга мустаҳкам пойдевор бўлди. Ижодий фаолиятим давомида қанот бағишлади. Драматург Рихсивой Муҳаммаджоновнинг «Суюнчи» фильмидаги Абдуллани ўйнаганимда талаба эдим. Ёшлигимда кино камера нима эканини яхши ҳис этганим учун, образга осон киришиб кетганман. Асар турғунлик даврини ўзига хос тарзда акс эттирган бўлса-да, қишлоқдаги оддий, самимий одамларнинг меҳр-оқибати, миллий урф-одатлар, шарқона фазилатлар қалбимда чуқур таассурот қодирган.

— Театр — муқаддас даргоҳ. Актёрлик эса Яратганнинг инсонга берган алоҳида инъоми. Шундай экан, бу муқаддас даргоҳдаги актёрлар халққа манзур бўладиган роллар яратишга маъсуллигини доимо ҳис этиб туради. Сиз саҳна маданияти, бугунги актёрнинг позицияси деганда нималарни ҳис этасиз?

— Аввало, актёр юксак маънавиятли, хулқ-атвори атрофдагиларга ибратли, ўз соҳасининг мукаммал эгаси, бир сўз билан айтганда, эзгу фазилатлари бошқаларга ўрнак бўладиган инсон бўлиши керак. Ўшанда саҳнада айтган сўзига томошабин ишонади, санъатини қадрлайди. Актёр саҳнада диёнатли, ҳалол киши ролини ижро этса-ю, ҳаётда бунинг акси бўлса, санъат уни кечирмайди. Кейин илмли ва илмсиз санъаткорларнинг юриш-туриши, гап-сўзида ер билан осмонча фарқ бор.

Сўнгги йилларда театрда ёшлар сони ўсиш билан бирга, уларнинг савияси ҳам ошди. Ҳозир театрларда олий маълумотли бўлмаган актёрлар кам учрайди. Шундай бўлса-да, баъзи актёрлар доимо ҳам томошабиннинг талаби ошиб бораётганини, уларнинг интеллектуал даражаси, эстетик диди ўсганлиги билан ҳисоблашмайди. Тўғри, актёрнинг камолоти режиссура билан боғлиқ. Бироқ вақт театрда режиссёр ёки актёр устунми, деган самарасиз баҳсни инкор этади. Шунинг учун актёр аввало, руҳиятига мос образ тимсолини яратишни ўзи олдиндан билиши керак.

— Бугунги кунда тенгдош санъаткорлар ўртасидаги ижодий жараён, ижодий рақобат қандай?

— Театрда ижодкор дўстларимиз билан ҳар доим биргамиз. Улар билан баъзан ролни, баъзан дардимизни бўлишамиз. Бир-биримизнинг ижодимизга бефарқ эмасмиз. Бир-биримизга ёрдам берамиз. Театримизда эл-юрт ҳурматига, меҳнига сазовор бўлган кўплаб истеъдодли санъаткорлар билан бирга ишлаш қалбга қувонч бағишлайди.

— Юртимизга Янги йил ҳам кириб келди. Янги — 2010 йилда қандай ижодий режаларингиз, орзу-ниятларингиз бор?

— Халқимизнинг қалбидан жой оладиган бетакрор роллар яратсам дейман. Бу орзу-ҳавасларим балки, шифокор, ўқитувчи, тадбиркор қиёфасида намоён бўлар. Нима бўлганда ҳам Янги йил барчага бахт-саодат, юртимизга тинчлик-осойишталик, янада юксаклик ва фаровонлик олиб келсин.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

ТАБАССУМ

ҚЎЛҚОП ҲАЛИ ЕТИБ КЕЛМАДИ



Почтага Янги йил арафасида келган хатлардан бири почта ходимларининг диққатини тортибди. Чунки конвертнинг «Кимга» деган жойига «Қорбобога» деб ёзилган экан. Улар шоша-пиша конвертни очиб, ўқий бошлашибди:

«Салом, Қорбобо! Сенга узоқ қишлоқда яшовчи Болтавой хат ёзмоқда. Бизнинг қишлоқларда қиш жуда қаттиқ келади. Янги йилда кўчага чиқа олмайман, чунки пўстиним ҳам, қўлқопим ҳам, телпагим ҳам, этигим ҳам йўқ. Қорбобожон, менга пўстин, қўлқоп, телпак ва этик жўнатсанг, илтимос!»

Ходимлар хатни кулгудан кўзлари ёшланганча ўқиб тугатишибди ва кимнинг қанча пули бўлса, ўртага ташлаб, пўстин, телпак ва этик сотиб олишибди. Қўлқопга эса пул етмабди. Хуллас, совғаларни жўнатиб юборишибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Болтавойдан яна Қорбобога хат келибди:

«Қорбобожон, совғалар учун сенга катта раҳмат! Лекин қўлқоп ҳали етиб келмади. Кимдир ўғирлаб олган бўлса керак. Шунинг учун овора бўлиб яна почта орқали қўлқоп жўнатиб юрма. Яхшиси аниқ манзилингни ёзиб юбор, ўзим ҳузурингга бориб, уни сендан оламан...»

РАССОМ ХАНДАСИ

— Б-буюртмангизни етказишга ҳа-а-ракат қиламан...

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат.

СПОРТ

ОЛТИН ЛАҲЗАЛАР

ёки 2009 йилда юртимиз спортчиларининг эришган муваффақиятлари хусусида

Умр — югурук, вақт — бетизгин. Ишониш қийин, аммо мана 2009 йил ҳам тарихга айланди. Дилга ғурур бағишлайдиган жиҳатлардан бири шундаки, ўтган йил юртдошларимиз, хусусан, ўзбек спортчилари учун ҳам жуда омадли ва зафарли кечди.

Келинг, сўзимизни сўнгги йилларда мамлакатимизда оммалашиб бораётган байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт туридан бошласак. Кўпчиликка маълумки, мазкур спорт бўйича ҳамюртларимиз улкан зафарларни қўлга киритишди. Ана шундай спортчиларимиздан бири тошкентлик **Вадим МЕНЬКОВ**дир. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, ўтган йили у Канаданинг Дардмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, биринчи ўринни эгаллади ва олтин медаль соҳиби бўлди. Вадим мусобақанинг каноэда эшкак эшиш бўйича яккаликлар ўртасида 1000 метрлик беллашувларда ҳамма рақибларини ортда қолдиришга эришди.

Вадим Меньков Чехияда мазкур спорт тури бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ҳам муваффақиятли иштирок этди. 500 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида ҳамма рақибларидан ўзиб кетишга муваффақ бўлди. Шунингдек, у бир километрлик масофада кумуш медаль билан тақдирланди. Айни пайтда ҳамюртимиз бир километрга каноэда эшкак эшиш бўйича дунёнинг энг кучли спортчиси сифатида жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турибди!

Ўтган йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида катталар ўртасида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ҳам вакилларимиз учун омадли кечди. Дунёнинг 133 мамлакатидан келган беш юз нафардан зиёд чарм қўлқоп усталари орасида юртдошларимиз **Аббос АТОЕВ** (Бухоро вилояти) 75 кг. вазн тоифасида биринчи ўринни, **Дилшод РАСУЛОВ** (Фарғона вилояти) 81 кг. вазн тоифасида иккинчи ўринни, **Баҳодир СУЛТОНОВ** (Андижон вилояти) 57 кг. вазнда ва **Ботир МАҲМУДОВ** (Андижон вилояти) 69 кг. вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Натижада спортчиларимиз умумжамоалар ўртасида учинчи поғонадан жой олди.

Яна бир муваффақиятни мамнуният билан эслаш жоиз. Ўтган йилда Арманистоннинг Ереван шаҳрида ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида ҳам ўзбекистонлик спортчилар ижобий натижаларни қайд этишди. Ушбу мусобақада хоразмлик **Мирзабек НАЗАРОВ** биринчи ўринни эгаллаган бўлса, **Жавлон ЭШМАТОВ** (Андижон вилояти), **Бургут ҲОЖИБОЕВ** (Наманган вилояти), **Барҳаёт ОБИДОВ**, **Равшан АБДУНАЗАРОВ** (ҳар иккиси ҳам Фарғона вилоятидан)лар кучли учликдан жой олдилар.

Ўтган йилда дзюдочиларимизнинг ҳам омадлари чопди. Голландиянинг Роттердам шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли дзюдочилари қатнашганлигига қарамасдан ҳамюртларимиз совринли ўринларни қўлга киритишди. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийлари Андрей Штурбабин ва Владимир Пятаев шогирдларидан икки нафари — **Абдулло ТАНГРИЕВ** ва **Дилшод ЧОРИЕВ** бронза медалга сазовор бўлишди.

Дзюдо бўйича Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 63 килограмм вазнда **Гулноза МАТНИЯЗОВА** иккинчи ўринни эгаллади.

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича зафар қучган спортчиларимиз ҳақида ҳам тўхталсак. Жорий йилда мазкур спорт тури билан шуғулланадиган полвонларимиз Данияда етмишдан зиёд давлатлардан келган энг кучли спортчилар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида битта олтин, битта кумуш, битта бронза медалларининг соҳиби бўлишди.

Эркин кураш беллашувларида саксон тўрт килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этган **Заурбек СОҲИЕВ** олтин медални қўлга киритди. Юнон-рум кураши бўйича 2001 йилги жаҳон чемпиони **Дилшод ОРИПОВ** бу сафар кумуш медаль билан кифояланди. Яна бир ҳамюртимиз **Дилшод МАНСУРОВ** эса бронза медалининг соҳибига айланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда енгил атлетика ҳам анча ривожланди. Ўтган йили Италиянинг Брессанон шаҳрида енгил атлетика бўйича 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида **Анастасия СВЕЧНИКОВА** олтин, **Валерия КАНАТОВА** эса бронза медалнинг соҳибаси бўлишди. Таъкидлаш жоизки, икки йилда бир маротаба ўтказиладиган мазкур мусобақада дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатидан келган 1300 нафардан зиёд енгил атлетикачилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Ўзбек футболининг йилдан-йилга савияси ўсиб бораётганини Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси исботлади. Аҳмад Убайдиллаев бошчилигидаги жамоамиз ўтган йили Мисрда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, барча-барчамизга ҳаяжонли дақиқаларни тақдим этишди.

2009 йилнинг аҳамиятга молик воқеаларидан яна бири ўзбекистонлик ФИФА рефериси **Равшан ЭРМАТОВ**нинг “Осиёнинг энг яхши ҳаками” деб топилгани десак, хато бўлмас.

Халқимиз азал-азалдан Ватан ори, эл номуси учун майдонга тушиб, спорт мусобақаларида ғолиб бўлган спортчиларни эътиборсиз қолдирмайди. Ўтган йилда ҳам ана шундай жасорат эгалари Президентимизнинг Фармонига мувофиқ муносиб тақдирланди.

Биз юқорида юртимиз спортчиларининг жаҳон чемпионатларидаги ютуқлари ва ғалабаларининг айримларини ёдга олдик, холос.

Ўйлаймизки, “БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ” деб эълон қилинган 2010 йил ўзбек спортини дунёга янада кўпроқ танитади.

Азим РЎЗИЕВ, “Hurriyat” мухбири.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 16.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 17159 Буюртма — Г-27 123 5